УзССР Давлат китоб палатаси
Ин
Рос книжная палата УзССР
101293

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

1993 йил

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

26 НОЯБР, ЖУМА № 47—48 (3251) ● СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

ДЎСТЛИК МЕВАЛАРИ

Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатида унинг ички сиёсатидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилиши табиий. Шу маънода республикамизнинг ташқи сиёсатидаги тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўлларини унинг ички сиёсатидан изламоқ зарур. Республикамизда бу соҳада қўплаб ишлар қилинмоқда. Биргина ўзбек ва қорақалпоқ халқлари қардошлигига, ҳамкорлигига доир амалга оширилган тадбирлар бунинг ёрқин далилидир. Нукус шаҳрининг 60 йиллик тўйи байрам қилинди. Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари ўтказилди, куни кеча эса Тўрткўлнинг 120 йиллиги нишонланди.

Маълумки, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик илдизлари, ҳамкорлик йўллари жуда қадимийдир. Улар ўртасида ўзаро борди-келдилар кеча ёки бугун бошлангани йўқ, азалдан мавжуд эди. Хўш, у ҳолда бу галги учрашувлар қадим қардошликни нимаси билан бойитди? Олдиндан айтиш мумкинки, кунлар ғоят муваффақиятли ўтди.

Ростини айтсам, истиқлол шабадасидан баҳра олган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ўзаро учрашувлари мустақилликка байрамларига айланиб кетди...

Бу руҳ маданият кунларининг илк дақиқаси — 17 ноябрда тошкентлик меҳмонларни Нукус тайёрагоҳида кутиб олиш чоғида айтилган сўзларда ҳам, қорақалпоқ халқининг классик шоири Бердақнинг ҳайкали пойига гуллар қўйиш пайтида билдирилган истакларда ҳам, шаҳарнинг театр майдонидаги халқ сайлларидаги суҳбатларда ҳам сезилиб турди. Ўша куни Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида қабул маросимида Кенгаш раиси Уббиниёз Аширбеков республиканинг кейинги тараққиёт йўли ҳақида таништирар экан, бу йил қорақалпоғистонлик меҳнаткашлар учун муваффақиятли келганлигини таъкидлаб ўтди. Пахта, шоли, полиз маҳсулотларини тайёрлаш планлари оширибди бажарилди.

— Бу ютуқларда, — деди у, — қорақалпоқлар билан бирга республикамизда яшайдиган ўзбекларнинг ҳам катта улуши бор. Чунки бу юрт уларнинг азалий масканлари. Бунга мисол излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Қорақалпоқ халқ достони «Қирққиз»нинг қаҳрамонларини эсланг — ўзбек йигити Арслон қорақалпоқ қизи Гулойимни яхши кўради. Уларнинг мангу муҳаббати икки халқнинг абадий қардошлигига ёрқин тимсолдир.

Қабул маросимида сўзга чиққанлар ҳам, шу куни кечқурун Бердақ номидаги театрда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданият кунларининг очилишида сўз олганлар ҳам икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик алоқалари ҳақида сўз юритдилар.

— Биз шу пайтгача қорақалпоқ ва ўзбекларни икки халқ вакили деб қарар эдик, — деди маданият кунларининг делегация раҳбари Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков. — Эндиликда биз янада яқинлашдик. Тилларимизни, дилларимизни таржимасиз тушунадиган бўлдик. Президентимизнинг олижаноб ниятлари туфайли икки пойтахт ўртасида қардошлик кўприклари тикланди. Шунинг учун биз икки халқ вакилидан кўра оға-иниларга айландик.

Маданият кунлари давомида Қорақалпоғистон Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида тошкентлик рассомлар асарларининг. Бердақ театри фойесида эса икки республика саноат корхоналарининг маҳсулотлари кўргазмалари очилди. «Ялла» давлат вокал инструментал жамоаси ва «Сатира» театри жамоалари нукусликларга томошалар кўрсатишди. «Ўзбекфилм» киностудияси, Ўзкинохроника, Ўзтелефилм томонидан тайёрланган кинофилмлар намойиш қилинди.

Маданият кунлари қатнашчилари 18—19 ноябр кунлари уч гуруҳга бўлинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида ижодий учрашувлар ўтказдилар.

Тўрткўл туманидан бошланган, Беруний, Элликқалъа, Қўнғирот, Тахтакўпир, Чимбой, Амударё, Тахиатош районларида давом этган тантаналар Хўжайли туманида якунига етди. Ижодкорларнинг шеърлари, қутловлари, республикада хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс ансамбли, М. Қориёқубов номидаги республика давлат филармонияси санъаткорлари О. Ҳайитова, О. Отажонов, Ғ. Ёқубов ва «Зарафшон» ансамбли, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри артистлари, Ғафур Ғулом номидаги маданият уйининг «Гавҳар» этнографик ансамбли санъаткорларининг куй-қўшиқлари Оролбўйи меҳнаткашларида яхши таассурот қолдирди.

«Қорақалпоғистонлик хотин-қизларнинг мард, оқила, ижодкор ва танти эканликлари мени ҳайратга солди», — дейди шоира Ҳалима Худойбердиева. «Мен ўзим

Давоми иккинчи бетда

23—24 ноябр кунлари Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллик байрами бўлиб ўтди. 24 ноябр куни Тўрткўлда шаҳар юбилейига бағишланган мажлисни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов Президентимиз Ислом Каримовнинг Тўрткўл меҳнаткашларига юбилей муносабати билан йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков тўрткўлликларга мукофотлар топширдилар.

Мажлисда Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Навоий вилояти ҳокими А. Айдарқулов сўзга чиқдилар. Тошҳовуз вилояти ҳокими Р. Мутоев тўрткўлликларга Туркманистон Республикаси Президенти С. Ниёзовнинг табригини етказди.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

Заҳириддин Муҳаммад
Бобур таваллудининг
510 йиллиги олдидан

Бобурнинг мазкур ғазали Абдурауф Фитратнинг Отажон Ҳошим таҳрири остида чиққан «Ўзбек адабиёти намуналари» (Самарқанд — Тошкент, 1928) терма китобидан олинган. Ғазал Бобур асарларининг кейинги нашрларида (1958, 1961, 1973...) учрамайди. Уни андижонлик адабиётшунос олим Ҳамидулла Болтабоев редакциямизга йўллаган.

БОБУР

6-БЕТ

ҒАЗАЛ

Шаҳи гулу настарин ёд берур бўйимдин,
Атрни мушки хўтан касб қилур мўйимдин.

Гул юзидин мунфаил;* сарв қадидин ҳижил,
Ранг олур муттасил лола гул рўйимдин.

Жонга қилур юз ситам кўнглума юз онча ҳам
Кўз айқирир жўйи ғам шўх бало жўйимдин.**

Гарчи қилур юз карам васли этар муҳтарам,
Лек баси қўрқарам Бобур оним хўйимдин.

* **МУНФАИЛ — уёлган.**

** **БАЛО ЖЎЙИ — бало, фитна чиқаришни истаган.**

ФРАНЦУЗ АКТЁРИ НАВОИЙ РОЛИДА

Аброр Ҳидоятов номидаги театр ижодий жамоаси ўз мухлисларини ажойиб совға билан қутлашнинг эди. Театр саҳнасида муваффақият билан ўйналаётган «Искандар» (Алишер Навоий достони асосида) спектаклидаги Алишер Навоий ролини 22—23 ноябр кунлари таниқли француз театр ва кино актёри Франсуа Шато ижро этди. Ижодий жамоа (саҳналаштирувчи режиссёр Баҳодир Йўлдошев, сценарий муаллифи Шуҳрат Ризаев, французча матнлар таржимаси Баҳодир Эрматов) Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширган бу маданий тадбир француз-ўзбек маданий алоқаларининг янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Франсуа Шато Страсбургдаги олий театр маҳорати мактабида, Париждаги театр университетида таҳсил олган. Ҳозир Парижда яшаб ижод қилади. У Шекспир, Мольер, Бюхнер, Софокл каби буюк ижодкорларнинг машҳур асарларидаги бош ролларни маҳорат билан ўйнаб Оврупонинг қатор мамлакатлари томошабинларининг олқишига сазовор бўлган. Актёр замонавий мавзуларга ҳам тез-тез мурожаат қилиб туради.

Франсуа Шато Никола Клод, Доменик Пере, Жак Ривет, Реми Дю Шемен каби таниқли режиссёрларнинг қатор филмларида ҳам суратга тушган. Шарқ драматургияси билан танишлиги марокашлик драматург Таҳар бен Желлун билан ҳамкорликдан бошланган.

— Ушбу ажойиб театрга таклиф қилинган француз актёри, табиийки, ўз-ўзига «Алишер Навоий ролини қандай ижро этиш керак?», деган савол беради, — дейди Франсуа. — Навоий ўзининг

ўлмас асарлари билан бизга «Қандай яшаяпмиз, одамлар?», дея мурожаат қилаётганга ўхшайди. Мен театр ижодий жамоаси янгича ечим ва талқинлар йўлида ижодий изланиш машаққатлари билан бандлигини кўриб бағоят хурсанд бўлдим. Худо бундай ижодкорларни, томошабинларни ўз паноҳида асрасин. Алишер Навоий қолдирган бебаҳо меросга мурожаат қилишим мен учун катта бахт эканлигини ҳис этганим ҳолда саҳнага чиқдим...

Ўзига хос янги спектакл жамоатчилик кўригидан муваффақиятли ўтди. Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жан Пол Везиан, бошқа меҳмонлар ижодий жамоани қизғин қутладилар.

Ўз мухбиримиз

ХЕЛЛО, БОНЖУР... АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Ҳафталигимиз бош муҳаррири номига Америка Қўшма Штатларидан ғаройиб бир мактуб келди. Уни ака-ука Бриан ва Майкл Маккормиклар ёзишган. Брианнинг Аризона дорилфунунида ишлайди, филолог, Майкл Харвард дорилфунунида илмий ходим.

Бундан йигирма йил аввал ака-укалар эзгу бир ишга қўл уришган, яъни йилнинг 21 ноябрини бутунжаҳон ҳушмуомалалик ва қутловлар куни деб эълон қилишган. Ана шу куни одамлар ирқи, миллати, насл-насаби ва диний эътиқодидан қатъи назар бир-бирлари билан хуш муомалада бўлишлари, бир-бирларини самимий қутлашлари лозим. Ака-укаларнинг фикрича, бунинг аҳамияти жуда катта. Жаҳон тинчлигини фақат шу йўл билангина сақлаш мумкин. Яхши кайфият, ширин табассум жоҳил асабнинг, ёвуз ниятнинг қушандасидир.

Мактубда ёзилишича, ўтган йиллар давомида Маккормикларнинг ташаббуси оламаро кенг қулоч ёзган, турли қитъаларда яшайдиган минг-минглаб кишилар томонидан қўллаб-қувватланган. 114та давлат раҳбарлари, тинчликни сақлаш бўйича Нобел мукофотининг 23 совриндори, сиёсий ва жамоат арбоблари ҳам бу хайрли ташаббусга қўшилганлар. Улар орасида Жим Картер, Жералд Форд, Улоф Палме, Тереза она, Индира Ганди, Барбара Буш, Вацлав Гавел ва бошқалар бор.

Қизиғи шундаки, биз ушбу мактубни айни 21 ноябр куни олдик, ўқиб хурсанд бўлдик, қалбан ўзимизни шу ажойиб ҳаракатнинг янги аъзолари билиб, бир-биримизни самимий муборакбод қилдик.

Мактуб муаллифлари «Сафимизга қўшилишингизни истаймиз, сизларни самимий қутлаймиз, эзгу ниятларимизни йўллаймиз», деб ёзишган. Бу ажойиб ниятларни газетамиз саҳифалари орқали бугун сизларга, азиз муштарийлар, бутун Ўзбекистон халқига йўллаймиз.

Хушмуомалалик ва қутловлар кунининг рамзи тушириган қоғозда ушбу ташкилотни қўллаб-қувватлаётган халқларнинг ўзаро қутлов сўзлари олтмиш бир тилда ёзиб қўйилган: Хелло, бонжур, марҳабо, талафа, мони, жамбо, набад... Бу рўйхатнинг олтмиш иккинчи қаторини ўзбекча «Ассалому алайкум» деган улуғ каломимиз эгаллашини умид қиламиз.

Ассалому алайкум!

Эзгу ниятларимизни қабул этинг, азиз одамлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

«АСКАРИ ҚУВВАТЛИ МАМЛАКАТ...»

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ижодкорлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг зобитлари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очиб, қуролли кучларимизнинг мустақил давлатимиз мавқеида алоҳида ўрни борлиги, мустақилликнинг асосий ҳимоячиси миллий армиямиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим бизнинг қуролли кучларимиз мамлакат ҳимояси ва мудофаасини таъминловчи ишончли қалқон сифатида шакллантирилаётганлигини айтди. Ана шу ишончли қалқонимиз қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари ва миллий гвардиядан иборатдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъатига ворис бўлган ўзбек армияси учун Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Горобий, Темур Малик-лар жасорат абадий намунадир. Ҳар бир ўзбек жангчиси учун Ватанимизни ёвуз босқинчилардан тозалашда матонат кўрсатган, ҳарбий саркардаликни санъат даражасига кўтарган бу халқ қаҳрамонларининг жасорати ҳамиша буюк тимсол бўлиб қолиши керак. Эндиликда ижодкорларимиз ҳам ўз асарларида ана шу маънавий меросни улуғлаб, таранним этмоқдалар.

Нотиқ қуролли кучларимиз байрами кунини белгилашнинг аҳамияти ҳақида фикр юритиб, бу борада ўзининг бир неча таклифларини ўртага ташлади. Хусусан, Туркистон ҳарбий округи тарқатилгач, унинг қўшинлари ва мол-мулки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ихтиёрига олиниб, республикамизнинг ўз қуролли кучлари ташкил этилган кун, шунингдек, миллий гвардиямиз ташкил топган кун ва қуролли кучларимиз мустақил Ўзбекистонга содиқлик учун қасамёд қилган кунлардан бирини Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг байрами куни сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ана шу таклифлар юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, республика Мудофаа вазирлиги ходимлари — полковниклар Сайдулла Қосимов, Абубакир Деҳқонбоевлар, Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий кенгашининг бўлим мудири З. Даврон-ов, ҳарбий журналист В. Тюриков, ёзувчи П. Шермуҳамедов, Ҳ. Асқар, «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи, майор И. Абдукаримов ва бошқалар армия билан халқнинг жипслигини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарб масалалари хусусида қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Тўра Мирзо Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги зобитлари иштирокида ўтган котибият йиғилишининг қуролли кучларимиз байрами кунини таъсис этиш юзасидан таклифлар матнини ўқиб берди.

Йиғилишда республика Президенти девонининг масъул ходими М. Қирғизбоев иштирок этди.

5-БЕТ

1994 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган номзодлар орасида Ургут шаҳри ва қишлоқларининг меъморий қурилиши ижодкорларидан бир гуруҳи бор. Номзодлар ҳақида мақола ва меъморий қурилишлардан олинган айрим суратлар билан 5-бетда танишасиз.

БИЗНИНГ ШАРҲ

ИШОНЧЛИ ҚАДАМЛАР

Ҳафтанинг эсда қоладиган муҳим воқеаларидан бири, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ўз пули — сўм-купонга ўтганлигидир. Россия Марказий банкининг бекарор сиёсати туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари Алматида учрашиб, бир вақтда ўз миллий пулларига ўтишга келишиб олдилар. Қозоғистон рублдан қутулиб ўзининг миллий пули — тангани жорий этди. Ўзбекистоннинг сўм-купони миллий валютага ўтишдаги дастлабки дадил қадамлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов ўз суҳбатида шундай деди: «...биз сўнгги дамга қадар республикамиз рубл маконида қолади, деб ишонган эдик. Таассуфки, ҳаддан ортиқ ишонувчанлигимиз бизни доғда қолдирди. Бугунги қимматчилик, маҳсулотлар тақчиллиги ва бошқа қийинчиликларимизнинг сабаби ҳам шунда».

Хуллас, Ўзбекистон ўз миллий валютасини муомалага чиқарди. Уни халқимиз тўла тушунган ҳолда яхши кутиб олди. Айниқса, рубл билан сўм-купоннинг тенг миқдорда муомалага киритилиши янги миллий валютага ортиқча талофотларсиз ўтишни таъминлади, меҳнаткашлар учун катта қўллаб-қувватлаш бўлди. Далаларда, корхоналарда меҳнат қилаётганлар пул туфайли ташвишга тушмади.

Ҳар қандай пул ўзгариши нарх-наволардаги ўзгаришларга олиб келади. Бу табиий жараён. Сўм-купонларга ўтилган кунлари бозорларимизда нархнаво соат сайин эмас, балки дақиқалар сайин ўзгариб турди. Айтайлик, оддий картошка 350—400 сўмдан бир зумда 2 минг сўмга кўтарилди. Бозорни батамом эгаллаб олган чаққон бозорчилар, ишбилармон сотувчилар, жиндай чайковчилар-у, жиндай олиб-сотарлар қадри аллақачон тушиб бўлган шўрлик рублдан қутулиш учун ўзларини ўтга-чўққа уришди. Ўша кунлари бир дона тухумни минг, бир ярим минг рублга ҳам шоша-пиша олаверишди. Ҳали тухум тугиб кўрмаган жўжа-товуқ эса 35 мингга сотилди. Лекин бу кўпга чўзилмади. Сўм халқ қўлига теккач, бозорда барқарорликни тиклай бошлади. Омонат кассаларида навбат тугади. Ҳукуматнинг оқил хатти-ҳаракатлари туфайли бозорда ҳам, умумий маиший турмушда ҳам саросима юз бермади. Лекин бизнингча давлат барибир нарх навони ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги, уни ғоят маҳорат билан бошқариши лозим. Очиғини айтганда ҳозир деҳқонга ҳам, чорвадор фермерга ҳам осон эмас. Масалан, юкни бозорга олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Йўлкира жуда қиммат. Катта бозорларда жой олиш машаққат. Бозор паттасининг нархи ҳамон рубл миқдорида... Буларнинг ҳаммасини харидорлар яхши билади. Билади-ю, айрим нафси ҳакалак отган бозорчиларни озгина бўлса-да, иймон ва инсофга чақирмайди. Халқимизда: «Ноинсофга эрк берсанг, элни талар» деган мақол борлигини доим ёдда тутайлик. Мустақиллик туфайли ўз байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга эга бўлдик. Мана энди мустақил миллий пулимизга ўтдик. Президент Каримов айтганидек, миллий валютанинг жорий этилиши инқилоб билан тенг бўлди. Менингча, агар миллий паспортга ўтилиб, ўзимизнинг бутун кириш-чиқишни тартибга солишни тўла таъминласак, миллий давлатнинг охирги белгиси ҳам тўла юзага чиқади, албатта. Иншоолоҳ, ўша кунларга ҳам етурмиз. Шунда Россия либерал-демократик партияси раиси В. Жириновскийнинг марказий телевидение орқали: «Туркистон, Қозоғистон, Ўзбекистон сингари давлатлар дунё харитасида йўқ эди. Улар Россиянинг губерниялари бўлган», дея айюҳаннос солишига асос қолмасди. Аслида ҳам ҳеч қандай асос йўқ. Ахир қадим туркий салтанатлар, сомонийлар, қорахонийлар, темурийлар барқ уриб яшнаган давлатчилик асосларини яратганлар, биз энди ўша неча минг йиллик анъаналарни янги шароит учун мослаб қайта тиришитиришга киришдик. Миллий пулимиз ҳам миллий мустақиллигимиз каби тадрижий такомил йўлини босиб ўтиб, илғор мамлакатларнинг пуллари билан бемалол беллашадиган бўлади.

Бунга бизнинг ақлимиз ҳам, бойлигимиз ҳам, куч-қувват, ғайратимиз ҳам етарли. Пахта етиштиришдаги матонат ва кордонлигимизни дунё кўрмаяпти, деб ўйлайсизми? Булар — мақтаниш эмас. Асло. Балки ўзимизга ўзимизнинг ишончимиз. Шу ишонч Президентга ҳам мададкор ва таянч. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар изга тушиши муқаррар. Мустақил Ўзбекистон учун жаҳон ўз дарвозаларини кенг очаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига сафари яхши ўтди. Маълумки, Буюк Британия Ўзбекистон мустақиллигини қисқа вақт ичида тан олган жаҳоннинг йирик мамлакатларидан ҳисобланади. Сафар арафасида Ўзбекистонда Буюк Британиянинг элчихонаси очилди. Шунингдек, республикамизнинг қатор шаҳар ва вилоятларида ўн тўрттадан зиёд ўзбек-британ қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Телевидение ва матбуот хабарларидан маълум бўлиб турибдики, президентимизнинг бу тараққий этган мамлакатдаги сафари ғоят ишчанлик руҳида бўлди. Бундай сафарлар Ўзбекистоннинг ривожланган буюк давлатлар сари дадил интилаётганлигини кўрсатади. Айни пайтда у давлатлар ҳам бизни самимий қабул қиляптилар. Гўё дунёдаги энг тоза, энг бегубор тафаккур нурлари она диёримизга ёғилаётгандек туюлади. Донолар айтганларидек, ақлни тўлдиради, тафаккур тафаккурни бойитади.

Ашурали ЖЎРАЕВ,
«ЎзАС» таҳрир ҳайъати аъзоси

БИЗНИНГ ШАРҲ

8 декабр—бош қонун куни

ФАХРИМИЗ ВА ҒУРУРИМИЗ

МАЪЛУМКИ, АСЛИ ГРЕКЧА БЎЛГАН демократия сўзининг маъноси жамиятни адолат ва қонун-қоидалар асосида бошқариб, ҳокимиятда умумхалқ манфаатларини гавдалантиришдан иборатдир. Демократиянинг бир қатор белгилари Туркистон ўлкасида Турк хоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар ва бошқа қудратли империялар ҳукм сурган пайтларда кўзга ташланди. Ҳатто Турк хоқонлиги давридаёқ (VI-VII асрлар) махсус «қонуннома» ёзилганлиги маълум.

Шуни эътиборга олиш керакки, мукаммал қонун-қоидалар бўлса-ю, лекин уларни ижро қилувчиларнинг умумий маданий савияси ва иш юритиш услуби паст бўлса, турлича зўравонлик ва адолатсизликларга йўл қўйилса, у вақтда мамлакатда тартиб-интизомнинг инқирозга учраши турган гап. Шунинг учун ҳам, хусусан, мансабдорларнинг олий инсоний фазилатлари давлат бошқарувининг асосий омили сифатида қаралгани табиийдир. Бу тарихий ва бадиий асарларда, махсус тавсияномаларда ва қонун-қоидаларда ўз ифодасини топди. Масалан, Юсуф Хос ҳожиб ўзининг 1069 йилда ёзган «Қутадғу билик» («Саодатга бошловчи билим») асарида мансабдорлар ўз бурчларини қандай бажаришларини қуйидагича таърифлайди:

Нима дер, эшитгин билимли сўзин,
Тута олмайди элни золим кўп узун.
Ёнар ўт, мисол зулм, ёқар, куйдирар,
Адолат сув эрур — неъмат ундирар.
Элга бош бўлайин десанг, тоабад
Одил бўл, элингни асрагин фақат.
Эл ортар адл ила, безанар олам,
Зулми кучдан қолар, тузилар олам.
Талай жой бузилди золим ўчидан,
Золим ўлиб кетар ахир очидан,
Агар бек этмаса ўз элини ёд,
Уларни таласа келиб ўзга ёт.
Халойиқ тарқалар, бузилар эли,
Қулаб тушар беклик, бертади бели.

Юсуф Хос ҳожиб она юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлайди. У амалдорларни ватанпарвар, жасоратли, мард, билимдон, тадбиркор, мурувватли, саҳий ва бағри кенг бўлиши лозимлигини уқтириб ўтади.

Эл боши керакдир баҳодир, абжир,
Ҳар ишга қўл урса у кейин арзир.
Сара бўлсин жуда элнинг сардори,
Тил, дили чин бўлсин, гўзал атвори
Билимли, заколи, етук — нуқси йўқ,
Қўли очиқ бўлса, кўзи, кўнгли тўқ.
Тетик бўлгин, эй бек, ва қилгин тоқат.
Адолатли бўл, халққа қил марҳамат,
Хато тушса дарҳол сўра узрини,
Тилингдан бу тавбани қўйма фақат.
Беги халқига бахт бериши керак,
Бериб бахт яна тўйдириши керак.

Юсуф Хос ҳожибнинг ўгитлари кўп асрлар мобайнида жамиятни бошқаришда қонун-қоида мажмуи сифатида кенг фойдаланилди. Ҳатто унинг таъсир кучи Туркистон ўлкасидан узоқ жойларгача бориб етди. Масалан, XIX асрда Ёйиқ (Ўрол) дарёсининг ёқасида жойлашган Сарайчик деган шаҳарда «Қутадғу билик» асаридан олинган мисралар битилган сопол кўзача топилган. Бу асарнинг нусхалари Туркия ва Мисрда қўлга киритилди. Шунингдек, у Оврупа тилларига таржима қилинган. Ўйлайманки, Юсуф Хос ҳожибнинг ўгитлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ундан ҳар бир раҳбарнинг сабоқ олиши ўта фойдалидир.

Ҳозирги замон конституциямизнинг заминига Юсуф Хос ҳожибдан кейинги асарларда ёзилган қонун-қоидалар ҳам сингиган. Масалан, «Темур тузуклари», Хондамир (1474—1535) ёзган «Қонуни Ҳумоюн», Рўзбехон (1458—1521) томонидан битилган «Сулук ал-мулук» («Подшоларга йўл-йўриқ») шулар жумласидандир. Уларнинг орасида, айниқса, «Темур тузуклари» ўзининг салмоқдорлиги ва теранлиги билан катта аҳамиятга моликдир. Унда Ватанни чет эл босқинчиларидан озод қилиб, мустақилликни, мўл-кўлчиликни ва тараққиётни таъминловчи қонун-қоидалар ўз ифодасини топган. У кишиларни ватанга содиқ ва тараққийпарвар бўлишга отлантиради. Шунингдек, хусусий мулкчиликни, эркин савдо-сотиқ, нарх-наво ва дин дахлсизлигини таъминловчи тартиб-қоидалар ҳам мавжуд. Маълумки, мўғуллар ҳукмронлиги даврида ислом дини анча сиқиб қўйилган эди. Шу боис Амир Темур дин дахлсизлигига ва ривожига катта эътибор бериб, дин сусайган мамлакатда «салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди» — деб ёзади.

Амир Темурнинг энг катта хизматларидан бири шуки, у жамиятни белгилаб қўйилган қоида-тартиблар бўйича бошқарди. «Давлат ишларини — деб ёзган Амир Темур — салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим».

Маълумки, демократиянинг асосий омилларидан бири муҳим масалаларни кенгаш муҳокамасига қўйишдан иборатдир. Бу ҳолат Амир Темур фаолиятида яққол кўзга ташланди. У бу хусусда шундай ёзади: «Ҳар ишни кенгаш билан қилдим. Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб улардан сўрар эдим. Буларни сўзларини эшитгач, ҳар ёқлама текшириб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирар эдим... қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитардим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга қулоқ солар эдим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим».

«Темур тузуклари» энг қимматли давлат қонун-қоидалари сифатида бутун жаҳонда шуҳрат қозонди. У инглиз, ҳинд, эрон, француз, урду, рус ва бошқа тилларда чоп этилди.

Туркистон ўлкасида Чор Россияси ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин миллий давлат йўқ қилиниб, ҳокимият Россия қонунлари асосида бошқарилди. Бу мустамлакачилик ва миллий зулмни тобора кучайиб боришини таъминлади.

Октябр тўнтаришидан кейин «ёмғирдан қутулиб қорга» мубтало бўлинди. Тўғри, совет даврида Иттифоқда конституциялар қабул қилинди. Шу асосда Ўзбекистоннинг ҳам конституцияси яратилди. Бироқ сиртдан қараганда, улар адолатли ва ҳақиқатни акс эттирувчи қонунлар бўлиб кўринса-да, аслида эса кўзбўямачилик ва найрангбозликдан иборат эди. Амалда коммунистик партия мустамлакачилик ва миллий зулмни авжига миндириб, миллатчилик сиёсатини изчиллик билан олиб борди. Натижада совет конституцияси ичи пўк ёнғоққа ўхшаб қолди.

Ниҳоят 1991 йил 31 августда Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Мамлакат янги ҳаётини бошлади. Шундан кейин 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

МУСТАҚИЛЛИК КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ва йўналишлари нималардан иборат? Биринчидан: Конституцияда халқ ҳокимиятчилигини бунёд этишга алоҳида аҳамият берилган. Бу хусусда шундай ёзилган: «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади». Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган. Фуқароларга берилган ҳуқуқларнинг дахлсизлиги баён этилиб, уларни суд қарорисиз маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги уқтириб ўтилган.

Хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқлар берилиши ҳам диққатга сазовордир. Конституцияда жамоат бирлашмалари, оила ва оммавий ахборот воситаларига тегишли ҳуқуқлар шарҳланган. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига ҳам эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ваколатлари ва кўп қиррали фаолияти атрофлича таҳлил қилинган. Буларга кўра Олий мажлис сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга доир барча масалаларга ўз муносабатини билдиради ҳамда тегишли қонун ва қарорларни қабул қилади. У олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шунингдек, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш ваколатига эгадир.

Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида гавдалантирилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масаласига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш» Президент зиммасига юклатилади. Булардан ташқари, Президент вазирликларни, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади. Бундай фармонлар Олий мажлис тасдиғидан ўтиши шартдир.

Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат идоралари, суд ва прокуратуранинг бурчлари ва ҳуқуқлари ҳам аниқ белгиланган. Эндиликда прокуратура органларига «Ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириш» имкони яратилди.

Конституциянинг «сайлов тизими» бобида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланиб, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун асосида кафолатланиши кўрсатилган. Конституциянинг энг муҳим ютуқларидан бири шуки, Ўзбекистон Республикасининг ўз молия ва кредитига, мудофаа ва хавфсизлик органларига эга бўлиши қонунлаштирилган.

Унда дин хусусида шундай дейилган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди».

Иккинчидан: Конституцияда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши, фуқароларга ижтимоий таъминот ва тиббий ёрдам кўрсатиш, бепул умумий таълим ва билим олиш сингари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ўз ифодасини топган.

1991 йил 31 августда президент Ислом Каримовнинг имзоси билан эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Қонуни» янги Конституциянинг моҳияти ва йўналишини белгилади. Бу билан ўша куни бамисоли Конституциянинг кўчати экилди, десак хато бўлмайди. Шундан кейин сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бирин-кетин муваффақиятли ўтказилиши янги Конституцияни шакллантириб ва такомиллаштириб борди. Шунинг учун ҳам, гарчи, Конституцияни қабул қилинганлигига бир йил бўлсада, лекин ундан олдин ва кейин содир бўлган ҳаётдаги туб ўзгаришлар унинг таркибий қисми сифатида гавдаланиб турибди. Бу ўзгаришлар мустақил миллий давлат ташкил топиб, ўзбек тилига давлат мақоми берилишидан, демократия асосида умумхалқ сайлови ва парламент жорий этилишидан, республика байроғи, герби ва мадҳиясини таъсис этилишидан, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизилишидан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинишидан иборатдир.

Шунингдек, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларга, хусусий мулкчиликка, эркин савдо-сотиққа кенг йўл берилиши катта аҳамиятга моликдир. Айни бир пайтда мустақил молия ва кредит тизими, ўз миллий пул бирлигига эга бўлинди. Умуман айтганда, Ўзбекистон янги Конституциясининг моҳияти ва йўналиши шундан иборатки, у совет даврида чуқур илдиз отган мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм асоратларини тамомила қўпориб, Ўзбекистонни хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозори бўлишдан, миллий, маданий, иқтисодий, инсоний қарамликдан қутқаради. У ички ва ташқи сиёсатни бир-бирига монанд ҳолда изчиллик билан тобора ривожланиб боришини таъминлаб, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрнини мустаҳкамлаб, мавқеини ошириб боради. Президент Ислом Каримовнинг таърифи билан айтганда, Конституциянинг аҳамияти яна шундаки, у «бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради».

Айни бир пайтда у кишиларнинг ўз-ўзини англашида, миллий ҳис ва туйғуларни янги босқичга кўтаришда ҳамда миллатпарварликни кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

КОНСТИТУЦИЯ ЖАҲОН АНДАЗАСИДА ЁЗИЛГАН илғор ва такомиллашган биринчи қомусдир. У мустақиллик, озодлик ва халқпарварлик ғоялари билан суғорилиб, келажакда Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишини таъминлашга тўла қодирдир. Халқимизнинг ўз Конституцияси билан фахрланиш ва ғурурланишига барча асослар бор.

Келинглар, азиз юртдошлар, 130 йил мобайнидаги мустақиллик учун курашларда бамисоли дарё каби оққан қонларнинг эвазига қўлга киритилган муқаддас Конституциямизни кўз қорачиғидай сақлаб, изчиллик ва матонат билан ҳаётга татбиқ эта берайлик.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор

ҚОЙИЛ, ДЕДИ ПРОФЕССОР ГЕНЕРАЛГА

«Ватан» газетаси мухбири таърифлаганидек, бунақа учрашув камдан-кам бўлади. Ҳазилга ҳазил, ҳангомага ҳангома, шеърга шеър уланиб кетди. Кўнгил қатларида тахланиб ётган қайноқ хотиралар юзага чиқди. Ўзбек адабиётининг асосчилари — устоз адибларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинди. Ёзувчи, шоир ҳаётида нима кўп ҳангома кўп, беғубор соддалик оқибатлари бўлмиш кулгили ҳолатлар бисёр. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам мириқиб, селкиллаб кулишди.



СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

Шоирлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимлари билан учрашуви шеърият, маънавият байрамига айланиб кетди. Божхоначилар яқинда янги қурилган замонавий кошонага кўчиб ўтдилар. Кимдир ҳазиллашиб «бу ер асли ёзувчиларбоп жой экан», деди. Ҳеч ким «Э, йўғ-е», демади. Чунки, дарвозадан ҳовлига киришингиз билан худди маданият ва истироҳат боғининг шоирлар хиёбони қаршисидан чиқиб қолганга ўхшаб кетасиз. Мумтоз адабиётимизнинг улуғ намояндалари, аллома олимларимиз айтиб кетган бебаҳо ҳикматлар вужудингизни қамраб олади. Мустақиллик рамзларимиз, хусусан Давлат мадҳимиз киши қалбида ифтихор туйғуларини уйғотади. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва уларга тенгдош шоиру шоираларнинг сара сатрлари диққатингизни тортади. Бир ёнда муборак Ҳадислардан намуналар, бир ёнда одоб-ахлоққа чорловчи халқ ўгитлари.

Учрашувни божхона раҳбари, милиция генерал-майори Урайимжон Абдуғаниев бошлаб берди. Адабиётга, шеъриятга ихлоси баланд генерал меҳмонлар ижоди ҳақида сўзлар экан, муҳташам зални тўлдириб ўтирган божхона ходимларини ҳам, меҳмонларни ҳам ҳайратга солди. «Қойил-е, — деди Озод ака ҳаяжонини яширмай, — кафедрамизда ярим ставка ишласангиз ҳам бўлар экан...»

Шундан кейин меҳмонларга сўз берилди. Озод ака ўзбек адабиётининг бугунги вазифалари, зиёлиларнинг мустақиллик ишига қўшган ва қўшаётган ҳиссалари тўғрисида самимий сўзлади. Устоз Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва бошқалар билан бўлган мулоқотларини эслаб, учрашувга завқ-шавқ бағишлади. Эркин Воҳидов ҳазил-мутойибани давом эттириб шу ерда, ҳозиргина битилган мана шу сатрларни ўқиб берди:

Келдигу божхонага биз,
йўқ тўларга божимиз,
Молимиз шеър, мулкимиз
шеър, шеърдир тахту тожимиз.
Асли шеърнинг қисмати
шундоқ экан, оламга биз
Меҳр улашгаймиз ва лекин,
шул меҳр муҳтожимиз.
Бунда келдик домламиз
Озод Шарофиддин билан
Мулла Эркин Воҳиду
Абдулла Ориф ҳожимиз.

Абдулла Орипов дарҳол жавоб қилди:

Маънавият ҳамда моддий
жабҳанинг посбонлари—
Бирлашайлик, шунда бешак,
авж бўлур ривожимиз.

Божхона ходимлари орасида шеърият ихлосмандлари кўп экан, улар шоирдан «Ўзбегим»ни ўқиб беришни илтимос қилишди. Эркин ака «Сизлар моддий неъматларимизни қўриқлаётган бўлсангизлар, биз маънавият посбонларимиз, қўлни қўлга бериб бирга ишласак, қалбимиз ҳам, дастурхонимиз ҳам бой бўлади», деди-да эларо машҳур шеърларидан ўқий кетди. Абдулла Орипов шеърхонликни давом эттирди, учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди. Ихлосмандлар ҳожи шоиримизни самимий олқишладилар.

Газетамиз бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев адабий ҳафталик ижодий жамоасининг божхона фаолиятини ёритиш борасидаги ишлари, маълум қийинчиликлар, таҳририятнинг 1994 йилдаги режалари тўғрисида қисқача сўзлаб берди. «Шум бола»нинг чойхонасидаги ҳангомаларни айтиб аввалига ҳаммани кулдирди, кейин матбуотимизнинг бугунги мураккаб иқтисодий аҳволидан сўз очиб, бундай пайтда бир-биримизни қўллаб-қувватламасак бўлмайди. Биз божхона ходимларининг жасоратли фаолиятларини кенг ёритмоқдамиз, бундан кейин ҳам ҳамкорлигимиз давом этади, деди. Гап нима устида бораётганини фаҳмлаган генерал, албатта, дея унинг фикрини маъқуллади. Кўнгли таскин топган муҳаррир кейинги учрашувга Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Анвар Обиджонларни таклиф этамиз, дея ваъда берди.

Ўз мухбиримиз

ДЎСТЛИК МЕВАЛАРИ

Боши биринчи бетда

учун бу заминнинг тарихан жуда қадимий ва анъаналарга бой эканини, халқининг меҳнатсеварлигини кашф қилдим», — ҳаяжон билан сўз айтади шоир Жамол Камол. «Хўжа элида бир ёш булбул кўрдим. Оҳ, у булбулнинг нолишлари. Унда қадим жировларнинг, бугунги санъаткорларнинг ҳамма яхши хислатлари жамланган. У келажак булбули бўлади. Юртимизнинг булбули бўлади», қувончини ҳамма билан баҳам кўришга шошади адиб Ўткир Ҳошимов.

Маданият кунлари ўзбек ва қорақалпоқ шоирлари, санъаткорлари бир даврани, саҳнани тўлдирдилар. Бирбирларидан таржималар қилдилар, дўстлик ҳақидаги энг яхши шеърлар қўшиқларга айланди. Нормурод Нарзуллаевнинг Ибройим Юсуповдан, Улмамбет Хўжаниёзовдан таржималари ўша кунлари ўқилди. Ҳофизларнинг ўзбек—қорақалпоқ халқлари дўстлиги ҳақидаги янги қўшиқлари янграДи. Раҳим Аҳмедов ва Рўзи Чориевнинг рангтасвирларига қорақалпоқ диёри, унинг ажиб оҳанглари муҳрланди.

20 ноябр куни маданият кунлари иштирокчилари яна Нукус шаҳрида тўпландилар. Меҳмонлар Қорақалпоқ — Туркия қўшма корхонаси «Катекс»га бордилар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирдилар. Тошкент ҳамда Нукус шаҳарлари маҳалла қўмиталари вакилларининг ижодий учрашувлари бўлиб ўтди. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат дорилфунунида, Нукус давлат педагогика институтида мушоиралар ташкил қилинди. Ижодкорлар, санъаткорлар, рассомлар, маҳаллалар аҳллари бундан кейин ижодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдилар.

Шу куни кечқурун маданият кунларининг ёпилиши ҳамда Тошкент шаҳри билан Қорақалпоғистон санъат усталарининг байрам концерти бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Уббиниёз Аширбеков маданият кунларининг юксак савияда ўтганлигини, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини таъкидлади ва маданият кунларини ўтказишда фаол иштирок этганларни Қорақалпоғистон Республикасининг фахрий ёрлиқ ҳамда унвонлари билан тақдирлади. Маданият кунлари иштирокчиларидан Олмахон Ҳайитова, Хайрулла Лутфуллаев, Ортиқ Отажонов, Аҳмаджон Шукуров, Фарруҳ Зокировга «Қорақалпоғистон халқ артисти», Роза Одамбаева, Наргиза Олимова, Нурулла Жуманиёзов, Элмира Норбоева, Дилором Эгамбердиева, Эгамберди Ёқубовга «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» унвонлари берилди. Шуҳрат Жалилов (Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини), Саид Олимхўжаев (Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармаси бошлиғи), Эмма Қориёқубова, Маъмура Эргашева эса «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонларига сазовор бўлди. Шунингдек, «Баҳор», «Зарафшон», «Ялла» ансамбллари ва бир гуруҳ санъаткорлар, ижодкорлар Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Шундай қилиб, қорақалпоқ элида бир неча кун давом этган байрам ниҳоясига етди.

Нукус тайёрагоҳидан кўтарилган тайёра шаҳар билан хайрлашгандек унинг тепасини бир айланиб чиқди-да Тошкентга йўл олди. Чироқлар лов-лов ёниб турган шаҳарга назар ташлар эканман, бир фикр кўнглимдан ўтди: дўстлик, азалий туйғу. Лекин уни ҳар бир авлод ўзига хос тарзда янгилаб, бойитиб боради. Шу маънода ўзбеклар ва қорақалпоқлар ўртасидаги навоийлар, огаҳийлар, бердақлар, ажиниёзлар давридан бошланган устоз-шогирдлик муносабатлари Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, билан Ж. Оймирзаев, Ҳ. Сейтов, И. Юсупов, Т. Қайипбергановлар ўртасида мустаҳкамланди. Бугунги кунда бошқа авлодлар уни давом эттирмоқда. Бошқачароқ айтганда, аждодларимиз экиб, яшнатиб кетган дўстлик дарахти бугун янгидан куч — икки халқ эришган истиқлолдан озиқ олди. Иншолло, у ўзининг серҳосил мевасини беради!

Камол МАТЕҚУБОВ,
«ЎзАС»нинг махсус мухбири

- Миллий таълим ва миллий мудофаа эгизак
- «Турк моли»нинг довруғи
- Ичкиликсиз никоҳ ва суннат тўйлари
- Туркияда ислом «ренессанси».

ТАРАҚҚИЁТНИНГ СИНАЛГАН ЙЎЛИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан таълим соҳасида ишловчи йигирма беш кишидан иборат вакиллар Туркияда бўлиб қайтди. Уларнинг сафида камина ҳам бор эди. Тўрт ҳафталик сафар мобайнида қардош халқ ҳаётининг турли қирралари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Туркия таълим тизими билан танишувдан ташқари ижтимоий тараққиёт муаммолари билан боғлиқ ибратли материаллар ҳам олдик.

Сафар ниҳоясига яқин кунларда 14-Умумтуркия таълим шўроси бўлиб ўтди. Бундай қурултойлар йилда бир марта чақирилиб, унда қабул қилинган қарорлар қонун даражасида амалга татбиқ этилар экан. Қурултойда сўзга чиққан Туркия жумҳурбошқони Сулаймон Демирел нутқидаги «Миллий таълим ва Миллий мудофаа Туркияни оёқда тутиб турувчи икки муҳим соҳадир» деган ғоя айниқса бизнинг диққатимизни тортди.

Миллий мудофаанинг давлат сиёсатида муҳим ўрин тутиши ҳаммага маълум. Миллий таълим аҳамияти жиҳатидан миллий мудофаа билан бир ўринга қўйилиши, бизнингча, Туркия ижтимоий юксалиш борасида эришган энг йирик ютуқдир. Зеро, бугун таълимга бўлган моддий ва маънавий эътибор жамиятнинг эртанги кунини белгилайди. Фақат бу равшан ҳақиқатни давлат сиёсатига асос даражага кўтарилиши муҳим воқеа. Таққослаш учун собиқ Иттифоқни олайлик. 70-йилларда унинг иқтисодий қудрати АҚШ билан рақобатлашадиган даражада эди, лекин маориф тизимига эътибор машҳур «қолдиқ принципига» бўйсунар эди: давлат маблағи бошқа соҳаларга (мудофаа, энергетика, бошқарув ва ҳоказо) ажратиб бўлингач, қозоннинг юқи таълимга бериларди.

Туркиянинг юқорида таъкидланган ютуғи эса бошқарувнинг бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланганлиги натижасидир. Бозор муносабатлари иқтисодиётни табиий равишда тараққиёт йўлидан олиб бораверади, ҳам давлат хазинаси узлуксиз бойишини таъминлайди.

Табиийки, бозор шароитида ҳам сиёсат иқтисодиётга актив таъсир кўрсатиши мумкин. Сўнгги ўн йил мобайнида Туркия иқтисодиётида катта сакраш кузатилмоқда. Туркиянинг кўплаб маҳсулотлари жаҳон бозорида сифати бўйича ривожланган мамлакатлар маҳсулотлари билан рақобатлаша олади. Бозорга чиқарилаётган маҳсулот сифатига кафолат берувчи «Турк моли» деган тамғанинг жорий қилиниши бунинг исботидир. Алоқа воситалари, йўллар, сервис даражаси халқаро стандартларга мувофиқ. Бир мисол. Костюм тикишга ихтисослашган «Ойдинли» фабрикасида бўлдик. Оилавий ширкатга асосланган бу кичик корхона беш йил ичида 500 киши ишлайдиган фирмага айланган, Франциянинг машҳур Пьер Карден модалар уйи лицензияси билан тикилаётган маҳсулотнинг 50 фоизи Олмонияда сотилмоқда.

Яна бир қувонарли кўрсаткич иқтисодиётнинг замонавий соҳалари ҳам жадал ривожланиш йўлига кирганида. Шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, эркин бозор муҳитида саноат тармоқлари ривожланиши кетма-кетлик қонунига бўйсунади: дастлаб бевосита истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқлар ривожланади, сўнг бу соҳада рақобат бошланади, яъни меҳнат унумдорлиги муайян даражага етгач, у асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривожлантира бошлайди. Бу ўз навбатида машинасозликнинг ҳам ривожланишига туртки беради.

Туркияда саноат ривожланиши юқорида саналган босқичларнинг юқорисига етиб келганининг гувоҳи бўлдик: Олмониянинг «Сименс» концерни билан йирик турк сармоядори Ваҳби Кўчнинг «Симко» қўшма корхонаси билан танишдик. Бу корхонанинг алоқа воситалари ва энергетик қурилмалари, хусусан, параболик антенналари, асосан, экспортга кетмоқда. (Дарвоқе, «Сименс» концерни билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шу йил 29 июлда битим имзоланган). Иқтисод соғлом ривожланаётганлигининг яна бир кўрсаткичи — қурилиш. Ўзининг Жоме ва миноралари билан машҳур Истанбулда сўнгги йилларда 30—40 қаватли бинолар жадал суръат билан қад кўтара бошлабди. Лекин бундан ҳам муҳимроғи қишлоқлардаги қурилишлардир. Улар шаҳарга хос барча маиший қулайликлар мавжуд бўлган 4—9 қаватли уйлар билан янгиланмоқда.

Бундай ижобий ўзгаришларни турк халқи ҳақли равишда Турғут Ўзол номи билан боғлайди. Туркиянинг 9-президенти унинг тарихига самарали иқтисодий ислоҳотлар асосчиси сифатида кирган. Турғут Ўзолнинг ислоҳотлари бозор иқтисодиётининг механизмларини ишга солиб юборган ва у ўз ҳаракатини кундан-кун ички ривожланиш қонуниятлари асосида тезлаштирмоқда. Мисол учун, бир ой давомида Истанбулнинг машҳур Қопали Чорши бозорида маҳсулот турлари 20—30 фоизга янгиланди, бутунлай янги ишлаб чиқарилган маҳсулот билан савдо қилувчи «Капитал» гипермаркети (ўта йирик универмаг) очилди.

ЗАМОНАВИЙ САНОАТ ЭРИШГАН даражасида тўхтаб қолмаслиги учун бундан буён таълим ва фанни ривожлантиришга тўғри келади. Бу бозор шароитидаги тараққиётнинг навбатдаги босқичидир. Сулаймон Демирелнинг мақола бошида зикр қилинган формуласи ана шу қонуниятнинг амалда акс этиши, дейиш мумкин.

Бу ўринда бизнинг ўз тарихий тажрибамизга мурожаат қилиш ибратли. «Социализм» деб аталган марказлашган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодининг бир хусусияти шуки, озми-кўпми йил давомида олинган даромад давлат бюжети деб аталадиган «қозонга» йиғиларди. Ундан анчайин ихтиёрий тарзда йирик маблағлар олиниб, бугун бевосита эҳтиёжи йўқ соҳаларни ривожлантиришга ташланиши мумкин эди. Саноат тескари тартибда ривожланган, яъни дастлаб оғир саноат, сўнг оғир машинасозлик, ундан сўнг енгил саноат машинасозлиги, кейин эса истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи соҳалар барпо этилган. Бу йўл салбий оқибатлар билан бир қаторда фаннинг фундаментал соҳаларини жадал кўтариш учун имконият яратган. Бу Ўзбекистонда ҳам ижобий из қолдирган: фан ва илмий ходимлар тайёрлаш тизими халқаро иқтисодий пойганинг олдида бораётган давлатлардагидан қолишмайди.

Туркия иқтисодий тараққиёт тақозоси билан бугун фанни ривожлантириш масаласига қараб бораяпти. Хусусан, илмий лабораториялар кўпаймоқда, улар бирлашиб тадқиқот институтларига айланмоқда, дастлабки илмий уюшмалар вужудга келмоқда. Яқин орада Фанлар академиясини ташкил этиш кун тартибига чиқса керак (Бу ерда ҳам тузилмалар пастдан юқорига қараб таркиб топаётганига эътибор беринг!). Миллий таълимга эътиборнинг кучайиши ҳам ана шу омилдан, яъни охир оқибат халқ хўжалигини ривожлантириш талабларидан келиб чиқмоқда. Масалан, аввал тижорат, сервис билан боғлиқ лицейлар кўпчиликни ташкил қилган бўлса, сўнгги йилларда техник ва академик лицейлар салмоғи ортиб бораяпти.

Сафар мобайнида Туркия ҳаётидан яна бир гўзал таассурот олдик, яъни иқтисодиёт билан елкама-елка маънавият ҳам юксалиб бораётганига амин бўлдик. Одамлар орасида илиқ муносабатлар, хушмуомалалик, ўзаро ҳурмат ҳукмрон. Ресторанларда мутлақо ичкиликсиз никоҳ ва суннат тўйларини, дид билан ясатилган ва яна ичкиликсиз дастурхонларни, порнографиянинг чекиниб бораётганини кўрдик.

Равшанки, Туркиядаги бозор иқтисодиёти ривожланаётган муҳит билан Ўзбекистоннинг иқтисодий муҳити тубдан фарқ қилади. Шу боис биз иқтисодий, демак, ҳам сиёсий «ўз тараққиёт йўлимиздан боришимиз» кераклиги айни ҳақиқат. Шу билан бирга Президент И. Каримовнинг ижтимоий тараққиётнинг кўп соҳаларида Туркия модели биз учун энг маъқулдир, деган хулосаси ҳам муҳим. Шундай соҳалардан иккитасига тўхталайлик. Ташқи жиҳатдан (кийим, юриш-туриш, маиший хизмат ва б.) Туркия европалашган давлат бўлса-да, одамгарчилик, болажонлик, иззат-икром, меҳмоннавозлик каби ўзининг шарқона хусусиятларини сақлаб қолмоқда. Бу хусусиятлар, ҳатто маданийлик билан уйғунлашиб, ойиб бормоқда. Иккинчидан, муаллифга Туркияда ўзига хос ислом ренессанси одимлаётгандек туюлди. Унинг асосий белгилари: диний эътиқод ҳар бир кишининг шахсий иши деб қаралиши (эътибор беринг, эълон қилиниши эмас, фуқаролар томонидан шундай деб самимий ҳисобланиши), дин билан давлатнинг ёшларни гўзал ислом ахлоқи руҳида тарбиялашдаги ҳамкорлиги (мактабларда дин асослари дарсининг киритилиши, давлат университетларида илоҳиёт факултетлари ва бу факултетларда ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллаган зиёлилар етиштирилиши, телевидениеда Қуръон тафсиридан маърузалар, Жомеълар қошидаги вақфларнинг камбағал оилаларни ўз ҳомийлигига олиши ва ҳ. к.).

Ажабланарлиси шундаки, биз «турк ислом ренессанси» деб атаётган ҳодисада Европа ҳам ижобий рол ўйнамоқда. Кўплаб европали зиёлилар Қуръони каримни мутолаа қилиш, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти билан танишиш таъсирида ислом қадриятларини тан олмоқдалар (масалан, Жак ив Кусто), мусулмон бўлмоқдалар (Франция Компартияси Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси Роже Гароди, голланд рассоми Зеф Клемент ва б.). Исломият ҳақида XX аср фани нуқтаи назаридан сермазмун китоблар ёзмоқдалар (парижлик медицина профессори Морис Букел, люксембурглик физик олим Фернан Голдсмит каби), Европа шаҳарларида, ҳатто Римда мунтазам янги масжидлар очилмоқда (Бу маълумотлар таниқли турк жамоат арбоби Ваҳбий Ваққос ўғлининг «Ислом дунё эътиборида» китобидан олинди). Европа зиёлиларининг исломга муносабати зикр қилинаётган ренессансни ўзига хос мазмун билан бойитмоқда. Кўпчилигимиз хурофот ва мутаассибликдан холи, фундаментализмдан йироқ, кишининг руҳий дунёсини поклашга, жамиятда тинчлик ва аҳиллик уйғотишга қаратилган исломий муҳитни яққол сездик.

ХУЛЛАС, ТУРКИЯ ИҚТИСОДИЁТИ ва маънавиятининг одимлари биз ўзбек зиёлиларини самимий қувонтирди. Айни пайтда Мустафо Камол Отатуркнинг армиясида Туркия мустақиллиги учун курашда иштирок этиб шаҳид бўлган ўзбеклар мозорини зиёрат қилар эканмиз, тақдирларимиз чатишиб кетганидан, ҳамкорлигимиз улғаяётганидан ғурурландик.

Абдулла АЪЗАМОВ,
Наманган давлат дорилфунуни ректори, физика-математика фанлари доктори

Жамол ҚАМОЛ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲУМО

Ўзбекистон, ҳар куни
бошингдан ўргилсин Ҳумо,
Ой бўлиб, осмонларингда
ҳар кеча тўлсин Ҳумо...

Толеингда то абад
тун бўлмасин, бўлсин қуёш,
Манглайингда шуъла бўлсин,
то абад бўлсин Ҳумо.

Сен мудом бор бўл жаҳонда,
сен билан бўлсин жаҳон,
Бўлмасанг бир дам жаҳонда,
шу замон ўлсин Ҳумо...

Йиғласанг, ҳолингга куйсин,
яшнасанг, кулсанг магар —
Гул очиб, гулгун табассумлар
сочиб, кулсин Ҳумо.

Нурга йўғрилсин гулинг,
Ҳижронга ҳеч йўғрилмасин,
Бахт қуши бахт келтириб,
бахтингга йўғрилсин Ҳумо.

Ҳар эшикка соқчи бўлсин,
ҳар гўдакка соябон,
Ҳар оғочингга муҳаббат —
бирла чеврилсин Ҳумо.

Ўзбекистон, мен умид этгум
жамолингдан камол,
Ҳар замон садқанг бўлиб,
бошингдан эврилсин Ҳумо...

БУ ДАМЛАРНИ САОДАТ БИЛ...

Яна маъюсу маҳзунман,
яна мен лолу ҳайронлар,
Ва лекин сиз паришон бўлмангиз,
аҳли мусулмонлар...

Симобий саҳфага сен сувратимни
солма, сувраткаш,
Алам, андишадан сурват чекар
бағримга инсонлар...

Манам бир бандадирман,
ҳар нафас бошимда раҳмоним,
Магарким шул сабабдин тош отар
бошимга шайтонлар.

На ҳиммат, на ҳамият бор,
таҳаммул йўқ, қаноат йўқ,
Ҳамиша манфаат излаб
фано даштида сарсонлар...

Аё кўнглим, ва лекин сен
бу дамларни саодат бил,
Муяссар бўлди орзулар,
юракдан кетди армонлар.

Неча тунлар кечирдинг зим-зиё,
зулматли саҳродек,
Қара, келмоқдадир кунлар —
шарафли, шонли карвонлар...

Насибангга шукур қилғил,
Жамол, сен ношукур бўлма,
Яратганга, эшит, шукрона
айтар еру осмонлар...

КИМДАН КЕЛАР...

Уйладингми, бу жаҳон
кимдан келар?
Шу замин, шу осмон
кимдан келар?

Кўкдаги юлдуз сенга
кимдан насиб,
Ердаги шу арғувон
кимдан келар?

Тонготарларда чекар
булбул наво,
Англадингми, бу фиғон
кимдан келар?

Пайқадингми, ким —
жаҳоннинг жонидир,
Кўзга нур, жисмингга жон
кимдан келар?

Ҳар куни бошингдадир
юз имтиҳон,
Бу синов, бу имтиҳон
кимдан келар?

Аввалу охир замондир
ҳар замон,
Аввалу охир замон
кимдан келар?

Саждага бош қўй, Жамол,
шукрона қил,
Сендаги ўтлиғ забон
кимдан келар...

ОШИҚОНА

Қошингга ўсмалар қўйма,
кўзингга сурмалар сурма,
Ва лекин шўх табассум этмайин
сен турма, ўлтирма...

Азалдин қошу кўзинг
ўсмалидир, сурмали, жоно,
Чизилганни чизиб, ўзни
хижолат қўйига бурма...

Бу оқшом англадимки,
ҳам вафойинг, ҳам жафойинг бор,
Вафо қилмоққа улгургил,
жафо қилмоққа улгурма.

Йўлингда икки йўлчи —
ё мурувват, ё итобатдир,
Мурувват сўзига юргил,
итобат сўзига юрма.

Аё жоно, бу дунёда
сенинг лутфингча эҳсон йўқ,
Қиёлаб боқ, табассум қил,
гапимга кирмасанг, кирма...

Менинг жонимни истаб
икки жоду наргисинг кулсин,
Ва лекин йиғлатиб бечорани,
душманни кулдирма.

Жамолинг жон чекиб,
васлинг тилаб, доим адойингдир,
Тирилганни тирилтир, севгилим,
ўлганни ўлдирма...

ОНАЖОНИМ

Онажоним, юзларингдек
Сурвату сиймо қани?
Айрилиб, армонда қолдим,
Менга у дунё қани?

Ялт этиб, кечдинг кўзимдин
Туш каби, рўё каби,
Кўзларимга энди сендек
Туш қани, рўё қани?

Оқдингу кетдинг йироқлаб
Бир буюк дарё мисол,
Ташналаб қолдим, тўйиб
Ичмоққа у дарё қани?

Сендан айрилган куни
Қолдим умр саҳросида,
Изларинг изларман энди,
Менга у саҳро қани?

Хотирамда ой юзинг,
Юлдуз кўзинг эрди мудом,
Осмонни тун босибдир,
Ой қани, Зуҳро қани?

Бош қўяй дерман оёғингга,
Тополмай, зорман,
Қўйгали бошимни бир дам
Менга Байтуллоҳ қани?

Онайизорсан Жамолга
У жаҳону бу жаҳон,
Онажоним, изларингдек
Сурвату сиймо қани?

Бўм-бўш қўл

БОЛАЛИГИМИЗДА БОБОМИЗ билан Бухоронинг кўп авлиёларига зиёратга борганимиздан қолган хотиралар сўз билан ифодалашнинг иложи йўқ бир сеҳрли, руҳий, илоҳий, андак англаб бўлмас бир қўрқув аралаш ва моҳиятига етолмаганимиз сирлар ичра туғилган қандайдир бир мавҳумотлари билан бот-бот ёдга тушади...

Ҳар гал бирор қабристонга қадам қўйилди дегунча ўша мурғак кўнгилга муҳрланган кайфият, ҳолат, сезим ва кишида йиғи олди бир лаҳза устивор келадиган ғалати бир руҳоният қайта жонланади. Билмадим, бошқа ерлардаги авлиёлар қабри узра тикланган туғларда бормийўқми, лекин болалик зиёратларидан дилда қаттиқ нақшланиб қолгани— туғ тепасидаги сизга кафтини очиб турган ёлғизгина бир ҚЎЛ!

Агар Бухоро тарафларга йўлингиз тушган бўлса, Вобкентдан ўтгандан кейин ва шаҳри шарифга етмасдан ўнг қўлда — шундоққина йўл ёқасидаги мозорда ҳам шундай туғ узра йиллар офтоби мурғайтириб ташлаган қорамтир ёғоч туғ узра оп-очиқ ҚЎЛга дуч келгансиз, албатта. Бухоро музофотида бундай мозорлар жуда кўп. Бу мозорлардаги туғлар узра ҚЎЛлардан баъзилари ясси — темирдан ясалган. Айримлари эса худди ҳайкалдек — табиий, баайни одам кафтининг ўзи.

Болалигимизда бизга мозористонни ҚЎЛ билан кўрсатиш мумкин эмас, деб ўргатишгани учунми, зиёратлар маҳали ўқилган тиловатлар сеҳрига тушибми, ишқилиб, бобомдан нима учун авлиёлар қабри устида ростланган туғ узра очиқ турган ҚЎЛ ясаб қўйилганининг сабабини сўрай олмаганмиз.

Худди шундай кафтини очиб турган ёлғиз ҚЎЛни кейинчалик — талабалик кезлари ҳазрати Алишер Навоий тасвирларида кўрдим. Бешинчи курсда ўқирдик. Домламиз Ғайбулла Саломов бизга таржима назарияси ва амалиётидан махсус таҳсилда ярим ўқув йили мобайнида фақат Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр»ини Ғафур Ғулом амалга оширган ва Абдуқодир Ҳайитметов қайта ишлаган насрий баёни ҳамда Владимир Державин қаламига мансуб русча таржимасига қиёслаш йўли билан дарс ўтдилар. Ҳаммамиз дарсга биттадан «Навоий асарлари луғати»ни олиб борамиз. Сатрма-сатр қиёс кетади. Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, Абдуқодир Ҳайитметов, Владимир Державин қаламларидан чиққан ифодаю жумлалар маъноларини устозу шогирдлар биргалашиб таҳлил этамиз. Шунда Ғайбулла Саломов домланинг Навоий ҳазрат қалбларининг кўри янглиғ қоғозга тушган ёниқ сўзлар жилоларию жилваларидан чинакамига маст бўлганларини кўп кўрганмиз.

Устоздаги бу ғаройиб кайфият шогирдларга ҳам юқар эди...

Ана шундай сўз танингизда руҳониятни устивор қилган лаҳзаларда «Ҳайрат ул-аброр»нинг 49-бобидаги жаҳоннинг етти иқлимини босиб олган кимсан — Искандари Зулқарнайннинг ўлими олди айтган мана бу васияти кишига қанчалар фавқулодда таъсир қилишини ҳис этиш қийин эмас:

Қабрға чун бошлағунгиздур йўлум,
Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум.
То кишиким қилса назар ул сори,
Ибрат ила боққай ўшул қўл сори.
Билгай аниким ети кишвар шаҳи,
Етти фалак мушкилининг огаҳи,
Жисмида жон йўқ бу макондин борур,
Холи ИЛИК бирла жаҳондин борур.
Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,
Ушбу ИЛИК тажриба басдур анга...

Қаранг-а, тириклигида Искандарга қуллуқ қилиш ҳатто шоҳу шаҳаншоҳлар учун ҳам зўр ифтихор эди! Лекин шундай куч-қудрат ҳам бу дунёда жуда-жуда омонат-ку. Ахир, Искандар еру кўкка эгалик қилиб, шунча молу мулк йиққани билан нариги дунёга равона бўлиш навбати етганда нима олиб кета олади, дейсиз?! Шуни англаган шоҳи жаҳон: «Ўлганимдан кейин тобутдан бир қўлимни чиқариб қўйинглар, токи қабрга элтаётганда одамлар кўрсинки, етти кишвар шаҳаншоҳи ҳам бу дунёдан бўм-бўш ҚЎЛ билан кетаётибди, менинг тажрибам жаҳон мамлакатларига эгалик қилишга ёки умуман бу дунёга ўчлик туйғусига мубтало кимсаларга намуна бўлсин», — дея васият қилади.

Ҳа, айтмоқчи, «Садди Искандарий»нинг ўзида ҳам ҚЎЛ тимсоли бор. Искандар мулозимларига худди «Ҳайрат ул-аброр»да тасвирланганидек васият қилади:

Вале қилсангиз наъш аро устивор,
Ҳамул лаҳза зинҳору юз зинҳор—
Чиқоринг бор ИЛГИМни тобутдин,
Ҳамул навъким, ришта ёқутдин,—
Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи:
«Не ПАНЖАки, бармоғлари чекти саф,
Жаҳонни жаҳон аҳлидин урди КАФ.
КАФи ичра олди жаҳон кишварин.
Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин
Чу урди ажал ИЛГИ табли раҳил,
Бақо бўйниға солди ҳабли раҳил.
Жаҳондин шал ИЛГИ мисоли борур,
Нечукким чинор ИЛГИ холи борур.
Ангаким мададгор бўлғай билик,
Жаҳон шуғлидин бори чеккай ИЛИК.

ИЛИК, ПАНЖА, КАФ, ҚЎЛ... Бутун ер юзини эгаллаган шоҳ ҚЎЛи ҳам ўлганидан кейин шал бўлганидек ва ёҳуд бамисли ҳеч қачон ҳосил тугмайдиган чинор дарахтининг бўм-бўш ҚЎЛи— шохи янглиғ бўлади-қолади.

Искандар жон таслим этгач, мулозимлари уни, ўзи васият қилганидек, бир ҚЎЛини тобутдан чиқариб қўйган қўйи мозористонга олиб борадилар.

Тахт ва тобут

ОСМОНГА ТИК ҚАДАЛГАН кафти очиқ ёлғиз ҚЎЛни кейинчалик — Аброр Ҳидоятов театрида саҳналаштирилган Шуҳрат Ризаевнинг «Искандар» драмаси намойишида кўрдим. Искандарни ўйнаган Элёр Носиров нақд бир неча дақиқа давомида чап ёнига ётганча ўнг ҚЎЛини тикка тутиб туради. Шу билан Искандардек жаҳонгирнинг ҳам бу дунёдан ҚЎЛи очиқ кетаётгани намойиш этилади. Эҳтимол, Баҳодир Йўлдошев Искандар ҚЎЛини тобутда очиқ кўрсатиш кўп ташвишга сабаб бўлади, деб ҳам ҳисоблагандир ва шартлилик қоидасига риоя қилгандир.

Энг асосийси, драматик асарнинг саҳнага қўйилиши ажиб ва мураккаб бир ижодий жараён. Лекин бунда асл манбаъ, барибир, матннинг ўзи. Муваффақият асар матнининг мухаррижга қанчалар таъсир қилганига кўп боғлиқ. Чунки ҳар қандай асарнинг саҳнавий талқини учун матн имкон беради. Ҳар қандай талқин эса муайян, аниқ-таниқ йўллар орқали амалга ошади. Ана шу йўлларнинг энг мосини топа олиш-олмасликни мухаррижнинг истеъдодию маҳорати ҳал этади.

Баҳодир Йўлдошевни баъзилар асар моҳиятига кўп ўзгартириш киритиб ташлайдиган, талқинни тамоман ўз маромига солиб юборадиган «тўқимачи» (импровизатор) мухаррриж сифатида биладилар. Кимларгадир унинг бу йўли унчалар ёқмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳозир гап бу соҳиби истеъдод ижодкорнинг қандай қилиб асардан асар яратиши ҳақида. Аниқроғи, унинг Шуҳрат Ризаев «Садди Искандарий» ва «Хамса»нинг бошқа достонларига таянган ҳолда ёзгани — «Искандар» драмасини саҳнага қўйганда Баҳодир Йўлдошев яратган бир ажиб бадиий топилдиқ хусусида.

ҚЎЛ

БАДИА

Саҳнада қарийб томошанинг охирларига қадар тахт сифатида хизмат қилиб турган баланд суянчиқли курси Искандар ўлимидан кейин кўз ўнгимизда аста-секин орқага томон қулай бошлайди. Саҳна қоронғилаша боргани учун бу юқоридан боғланган ингичка иплар ёрдамида амалга оширилаётгани томошабинга мутлақо сезилмайди ҳам. Тахт суянчиғи ерга бориб қадалганда шу пайтгача шунчаки бир безак янглиғ турган ёғочлар оёқларга айланади. Не кўз билан кўрайликки, саҳнада тахт эмас, тап-тайёр тобут турибди!...

Бу — ўзбек саҳначилиги таърихида мухаррижона ноёб бир топилма тарзида қоладиган чинакамига зўр ихтиро.

Фикрда бундай кашф режасининг туғилиши учун биргина «Искандар» драмаси матнининг ўзи билангина чекланиб қўя қолиш камлик қилар эди. Сезилиб турибдики, Баҳодир Йўлдошев Навоийнинг ўзини ҳам синчиклаб ўқиган. Тахтнинг тобутга айланиши ғоясини ҳам улуғ шоирнинг асари берган. Чунки «Садди Искандарий»нинг ўзида тахтни тобутга қиёслаш бор. Навоий буларнинг иккаласи ҳам тахтадан ясалишидан зап фойдаланади: бири — тахт, иккинчиси — тахта. «Тахта»ни энди мурдани ювадиган мослама деб тушунасизми, тобут дебми — ихтиёрингиз. Униси ҳам, буниси ҳам — мурда учун хизмат қилади. Бухоро тарафларда: «Ҳе, илоҳим, тахтага тахт бўл!» деган қарғиш учрайди. Бу: «Ўл!» — деган оддий маънони кучайтириб, бадиий қилиб айтиш. Таъсирчанликни ошириш учун баъзилар ҳатто: «Ҳе, тахтачага тахтгина бўл, илоҳим!» — деб ҳам айтади.

«Садди Искандарий»нинг «Файлақуснинг дори бақога кетгани ва Искандарнинг мулки фоний тахтин мақом этгани» ҳақидаги 15-бобида шундай байтларга дуч келамиз:

Чу ўғлиға ТАХТини қилди мақом,
Ўзи айлади ТАХТА сори хиром.
Ҳамоно икки шох берди дарахт,
Бирин йўндилар ТАХТАву бирни — ТАХТ.

Сарлавҳадаёқ ўлим ва шоҳлик, демакки, тахт ва тобут масаласи кўтарилган. Кўриниб турибдики, тахт ва тобут — «Садди Искандарий» достони бош ғоясини рўёбга чиқариш учун энг керак тасвирий ашё. Навоий-ку буни сўздагина баён этган. Унингча тахта —дарахтнинг бир шохидан, тобут — иккинчисидан ясалган. Баҳодир Йўлдошев бу тахт ва тобутни сўз билан эмас, усталарга буюриб, моддий бир ашё сифатида ясаттирди. Қолаверса, мухаррриж тахтни ҳам, тобутни ҳам дарахтнинг бир шохидан тузаттирди. Бугун тахт бўлиб турган ёғоч эртага тобутга айланиши ҳеч гап эмас.

Навоийнинг ҳам, Шуҳрат Ризаевнинг ҳам айтмоқчи бўлган асосий дарди шу эди. Буни Баҳодир Йўлдошев саҳнада қойилмақом бир маромда томошабинга етказа олди. «Искандар» драмасининг саҳнадаги энг таъсирчан ери ҳам, асар мағзини бўрттириб кўрсатган воқеаси ҳам— шу.

Инсон Искандардек жамъи оламни эгаллаганда ҳам бу дунёдан бўш ҚЎЛ билан ўтиши, у дунёга ҳеч нарса орқалаб кетолмаслиги билан тожу тахтнинг ўта омонатлигию ўлимнинг ҳамма учун барҳақлиги, ўлим туфайли ҳатто шоҳи жаҳон ўтирган тахт ҳам тобут янглиғ бўлиб қолиши ўртасида қанчалар уйғунлигу вобасталик бор-а...

«Искандар» драмасига Навоийнинг ўзидан ўтган бир ҚЎЛни тобутдан чиқариб қўйиш саҳнада Искандар ўлимидан кейин унинг бир ҚЎЛи кафтини томошабинларга кўрсатганча осмонга қадалган ҳолда қотиб қолиши тарзида ифодаланади. Ҳар ҳолда, шу ўзгариш орқали очиқ кетаётган ҚЎЛ томошабин кўз ўнгида бўртиб намоён бўлади.

Худди ана шу осмонга қадалиб турган бўмбўш ҚЎЛ беихтиёр ўша болалигимизда мозорларда кўрганимиз ҚЎЛЛАРни эслатади...

Биби Орифанинг очиқ кетган қўллари

ЎТГАН ЙИЛИ ЁЗИНИНГ жума кунларидан бирида эрта тонг маҳали Бухоро темир йўли бошбекатида поездан тушдик-да, тўппа-тўғри шаҳри шарифнинг шимолий шарқида жойлашган машҳур Қасри Орифон, яъни Хожа Баҳоуддин қишлоғига йўл солдик. Бир қарашда, Бухоронинг бошқа қишлоқларидан унчалар фарқ қилмайдиган Қасри Орифон ер юзидаги маърифат чироғи порлаган муқаддас маконлардан бири сифатида ҳар бир туронликни фахрлантиради. Мен АҚШдаги обрўйли рўзномалардан бири бош муҳаррирининг муовини, юртимизга ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларига қизиқиб, бу зоти шариф ҳақларида китобини ёзишга тайёргарлик кўриш учун келган Скотт Малкомсон деган ҳамкасбим олдида ана шундай ифтихор ҳиссини туйдим. У ҳам Бухорога келадиган кўп зиёратчилар учун анъана тусини олган удумга амал қилди:

— Аввал ҳазрати Баҳоуддинни зиёрат қилиб, сўнг Бухорои шарифга кирамиз, — деди.

Амри меҳмон —вожиб. Зиёрат маҳали эса маҳаллий аҳоли амалида бўлган удумга биноан, олдин ул зоти шарифнинг оналари қабрлари томон йўл солдик.

Биласиз, ислом таълимотида онанинг ҳурмати ниҳоятда баланд. Пайғамбаримизнинг: «Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», — қабилидаги ҳадисларини бугун билмайдиган кам.

Баҳоуддин Нақшбанд оналарининг қабрлари усти, одамлар поймол этмасин учун, тизза бўйи баландликда махсус супа қилинган. Ана шу супанинг уч ерида туғ кўтарилган. Учала туғ узра ҳам ўша болалигимизда бобом билан Бухоронинг бошқа авлиёлари қабрларида кўрганимиз — бўм-бўш кафтини кўрсатиб турган ҚЎЛ! Кичкинагина, омонатгина мақбарача ёнидаги туғ — Баҳоуддин ҳазратнинг оналари ётган жой белгиси экан шу қишлоқлик қоровул Тўймурод ака Мажидовнинг тушунтиришларича. Иккинчиси — аммаларининг қабрига кўтарилган туғ, учинчиси эса холаларининг қабри белгиси янглиғ қўйилган туғ экан. Оналарининг қабри узра туғдаги ҚЎЛ — темирдан ясалган. Ясси. Ичлари тешик-тешик. Қолган икки туғ узра ҚЎЛЛАР эса худди ҳайкалдаги каби — табиий. Баайни ҳақиқий ҚЎЛнинг ўзи.

— Бу қўллар нимaнинг белгиси? — деб сўради Скотт Малкомсон шу заҳоти.

Қаранг, болалигимизда сўрашга ботинолмаганимиз бу саволга ҳеч қачон жавоб излаб кўрмаган эканман. Аммо шу юрт фарзанди сифатида ота-боболаримиздан қолиб келаётган бунга ўхшаш мўътабар мерослар моҳиятини билишимиз қанчалар зарурлигини ҳеч қачон бунчалар ҳис этмаганман. Болаликда сўролмаганимиз саволга бир кун келиб жавоб беришга мажбур бўлишим мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганман. Аммо ҳозир жавоб беришим шарт эди. Ўзимизни қўя турсак ҳам, лоақал, бошқа узоқ-узоқ мамлакатлардан келаётган сайёҳлар олдида уялиб қолмаслигимиз учун ҳам бу меросимизни пухта билишга мажбур эканмиз. Бироқ бунақа мулоҳаза юритиб ўтиришнинг мавриди эмас эди. Меҳмон мендан жавоб кутар эди. Ана шунда ялт этиб ҳазрати Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр»ларидаги тасвир ҳам, «Садди Искандарий»ларидаги талқин ҳам, ҳатто фавқулодда топқирлик соҳиби — мухаррижимиз Баҳодир Йўлдошевнинг актёр Элёр Носировга ҚЎЛни ана шу қабрлардаги туғлардаги каби тепага кўтариб ётишга кўрсатма бергани ҳам кўзларимга тўтиё бўлиб кетди-ёв! Ҳеч иккиланмай, қатъий ишонч билан:

— Инсон бу дунёдан, барибир, қўли очиқ кетади, деган фикрни тирикларга билдириб туриш белгиси бу! — дедим дона-дона қилиб.

Скотт инглизларга хос тиниқ ва катта-катта кўзларини бир муддат менга тик қадаб турди. У ўзбек тилини озми-кўпми билади. Менинг сўзларимни бир-бир жой-жойига қўйиб чиқиб, улар англатган маънони обдон туйганидан кейин эса унинг кўзлари чақнаб кетди:

— Окей! Окей! — деди у аввал.

Кейин ўзбекчалаб:

— Бу жуда зўр ғоя! Жуда зўр! — деди.

Туғ узра осмонга чўзилиб турган кафти бўм-бўш ҚЎЛЛАР Скотт Малкомсонни тамом маҳлиё этган эди. Шундан кейин сайёҳнинг ҚЎЛЛАРИ бўшамай қолди. Дафтарчасининг неча-неча саҳифалари қораланди. Суратгирагининг (фотоаппаратининг) тасмаси ҳам тўлаёзди, чамамда.

...1993 йилнинг апрелида бир ҳафта давомида Тошкентдаги Санъат кўргазмаси намойишгоҳида Эрон Ислом жумҳурияти маданият кўргазмаси кўрсатилди. Шундаги суратларнинг бирида ҳайкалтарошнинг ижодхонада ишлаб ўтирган пайти акс эттирилган. Иш столи устидаги тайёр ҳайкаллардан бири — осмонга қадалиб турган биргина ҚЎЛнинг билакдан кейинги қисми. Кафти худди ўша мазорлардагидек очиқ. Бу билан ҳайкалтарош томошабинга нима демоқчи? Бир санъат асарини кўриб, ҳар куни минг бора ишлатсангиз-да, бир бора ҳам эътибор қилмай юраверадиганингиз — ҚЎЛ ҳақида ўйлай бошлайсиз. Бу ҚЎЛ хаёлингизни шу пайтгача кўрганларингиз ҚЎЛЛАР сари етаклайди...

«Башариятни ким боқади?» — деб сўрайсиз кейин ўзингиз ўзингиздан. Инсоният ҚЎЛЛАРИ! «Ўзбекистонни ким боқади?» — деган савол туғилади, албатта, шундан сўнг шуурингизда. Халқимизнинг қадоқ ҚЎЛЛАРИ! Халқнинг қадоқ ҚЎЛЛАРИ эса коммунистик империянинг адолатсиз зулми остида, бир шеърда ёзилганидек, пахта чаноқлари янглиғ бўм-бўш... Лекин у шунга қарамай, ишлайди. Пахта қанчалар оқ-оппоқ бўлса, уни яратаётган кишиларнинг ҚЎЛЛАРи шунчалар қоп-қора — бир хиллари тош қотиб, ҳатто ёрилиб-ёрилиб, ғадир-будир бўлиб кетган. Меҳнатга пишган бир ҳамқишлоғимни биламан, азбаройи ишлаганидан ҚЎЛЛАРи шунчалар қаттиқлашганки: «Пичоқ кесса, анча ергача қон чиқмайди», — дейди унинг ўзи...

Мозорларда нега туғ узра кафти очиқ ҚЎЛ рамзи қўйилишининг асл сабабларини, рости, ҳозир ҳам илман аниқ билмайман. Иншооллоҳ, буни келажак фани тушунтиради. Бироқ Алишер Навоий асарлари бизга уни ана шундай эркин талқин этиш ҳуқуқини беради. Бу тасвирлари билан бобокалон шоиримиз замонаси шоҳларини инсофга чорламоқчи, уларга дунё тахту жоҳу мансаб талашиб, одамларга беҳуда жабр-зулм ўтказишга арзимайдиган бевафо ва бебақо нарса эканини, ҳеч ким, ҳатто Искандари Зулқарнайндек шоҳи жаҳон ҳам оламга устун бўлолмаганини таъкидлайди.

Аммо бу — Алишер Навоий асарларидаги ҚЎЛ билан боғлиқ биргина талқин, холос. Миллатимизнинг то рўзи маҳшар фахр ул-фахри бўлғуси бу бой адабий меросда ҚЎЛ салкам энг асосий тасвир манбаъ эди, дейилса, ҳайрон бўлманг. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг оналари ётган мазорчадаги туғлар узра ҚЎЛЛАР маъноси-ку Навоий асарларидаги тасвирларга вобасталикда талқин этилди. Лекин Навоийдаги расмона ҚЎЛ тасвирлари ҳам ё бевосита, ё билвосита нақшбандия таълимоти билан чамбарчас боғлиқ.

ҚЎЛ-ку у дунёга ҳеч нарса олиб кетолмайди. Бироқ, бунинг акси ўлароқ, бу дунё учун кўп нарсалар яратиб қолдириши мумкин-ку. Мумкингина эмас, ҳатто Оллоҳ инсонга инъом этган бу буюкдан буюк мўъжиза умр давомида муттасил истифода этилиши шарт эмасми? ҚЎЛ-ку ахир, кишининг ўзини, бола-чақасини боқадиган Ватан деган ва тандаги жондек, ундан-да азиз масканни обод этадиган!

Нақшбандия бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни ўта усталик билан мувофиқлаштирган сулук эканини эслайлик. Бу тариқат инсонга дунёга ҳеч нарса олиб кетолмасликни писанд қилиш баробарида бу дунёга кўп нарса бериб кетишни ҳам тарғиб этади. Бунинг учун эса ҚЎЛ билан КЎНГИЛни бир-бирига боғлайди. КЎНГИЛда Оллоҳ деган пок инсонлар ҚЎЛи эса савоб ишлар қила олади.

«Дил — ба ёр-у, даст — ба кор!» шиори аллақачон соф тасаввуфий маънолари доирасини ёриб чиқиб, жуда кенг мазмунлар касб этиб бўлган. Ўзбекистонимиз учун ана шу ақидага ёппасига амал қилинадиган замонлар келди. Чунки мустақиллик фақат сўз билангина мустаҳкамланиб кетаверадиган неъмат эмас. Юрт равнақи, шу ҳасис, қалби пок, ҚЎЛи қадоқ кишиларнинг минг-минглар ва миллион-миллионларнинг яр тувчилик меҳнатларига қараб турибди. ҚЎЛимизни бугун — кечагидан, эртага — бугунгидан ча қонроқ, фойдалироқ, унумлироқ, оқилонароқ ишлатишга ўргатмас эканмиз, бугунимиз кечагидан, эртамиз — бугунимиздан авлороқ б лиши мушкул. Мустақил бир давлат фуқаролари сифатида ҳаммамиз шундай хулоса қилмас ҳаракатга тушмас эканмиз, юрт фаровонлиги мамлакат ободонлиги ҚЎЛга кириши қийин. А шундай фикрга келишимиз ва тезроқ ҳақиқ — жадал ҳаракатга тушишимиз учун ҳам ҳазра Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари ғояла керак бўлади. Унутмайликки, боболаримиз р лари ҳамиша биз билан бирга, бизнинг қал мизда...

Шу сўзлар битиляпти-ю, беихтиёр ҚЎЛЛ дуо илинжида фотиҳа учун очилади... Ахир, —мусулмон бандалар икки ҚЎЛимизни очиб қиламиз. Оллоҳдан иноятлар тилаймиз-да, Қ ЛАРимизни оҳистагина юзларимизга тортам Дарвоқе, яна ҚЎЛЛАР! КЎНГИЛнинг туб-тубид чиқадиган ва Оллоҳдан илтижо қилинган дуо учун ҳам ҚЎЛЛАРимизнинг иштироки кер экан. Дунёнинг КЎНГИЛ тилаган кўп орзу-ҳав ларига ҳам бевосита Оллоҳнинг инояти ва, батта, ҚЎЛЛАРимизнинг шарофати билан эри лади.

ОДАМ БОЛАСИ УЧУН ҚЎЛ билан КЎНГИЛ улуғроқ неъмат йўқ. Инсоннинг инсонийл эса ана шу икки мўъжиз сарватни қанчалар ғайтира олганига боғлиқ.

Султонмурод ОЛИ

АКАМ ҒАЙРАТИЙ

ЁДНОМА

БИР ШИНГИЛ ХОТИРА

Акам Ғайратийнинг 1973—1975 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан нашр қилинган икки томлик асарларида ўз таржимаи ҳоллари ҳақида ёзилган эди.

Шу тўпламнинг сўзбошисида ҳурматли олим Лазиз Қаюмов: «Ғайратий бундан ярим аср аввал ғоявий кураш кескин давом этаётган бир даврда адабиёт майдонига кириб келди...», деб ёзган эди.

Акам — домла Ғайратий ҳақидаги хотираларимни ёзар эканман, айрим жонкуяр қаламкашлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларининг баъзи саволларига жавоб беришни лозим кўрдим.

Отамиз Шоабдулла Шоикромов бўлиб («шо»сини ташлаб ёзишга одатланганмиз) ўқимишли кишилар, шоирлар даврасида суҳбат қуришни севадирган, хушлабиат одам бўлганлар.

Ҳақиқатан ҳам, акам — домла Ғайратий айтганларидек, Дегрез маҳалласидаги ҳовлимизда Камий, Ҳислат, Мискин ва Роиқ каби шоирлар ва ҳатто (мен кўрганларим) Абдулла Қодирий, Зиё Саидий, Собир Абдулла, Мумтоз Муҳаммадий, Туйғун ва бошқа ёш шоирлар даврасида суҳбатлар бўлар эди.

Бизлар отадан уч ўғил ва беш қиз дунёга келганмиз.

Акам Ғайратий ўн етти ёшларида Дегрез маҳалламиздаги Мусавой деганнинг қизига уйланганлар. Янгамиз Комилахон ўз давридаги мактабларда ўқиган — саводхон аёл эдилар.

Акам Ғайратий Комила кеннойимиздан фарзанд кўрмаганлари учун 30-йилларда Шафоат исмли қизга уйланганлар.

Шафоат кеннойимдан икки қиз дунёга келган: Фотима ва Зуҳро — қизларига Ғайратий Ўлмас ва Сўлмас деб ном қўйдилар.

Бу даврда Комила кеннойимиз ҳам бизнинг Дегрездаги ҳовлимизда бирга яшар эдилар. Ўлмасни — Комила кеннойим, Сўлмасни — Шафоат кеннойим ўз тарбиясига олишди. Қизларни икки аёл ажойиб аҳиллик ва меҳр билан тарбия қила бошладилар.

Лекин афсуслар бўлсинки, бир ёш, бир ярим ёш бўлгач, ҳар иккала қиз ҳам кетма-кет бевақт вафот этди. 1933—34 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг саъй-ҳаракати билан шоирлардан Уйғун, Ғайратий, Эминжон Аббос, Ҳасан Пўлатларга ҳозирги Тошкент қандолат фабрикаси яқинидан жой ажратиб берди.

Акам Ғайратий билан Шафоат кеннойим (шу хонадонларида) уч қиз ва икки ўғил фарзанд кўрдилар.

Қизлари Севара Абдуллаева ҳозирда химия фанлари номзоди, турмуш ўртоғи Абдисафий Йўлчибоев — химия фанлари доктори, профессор, иккинчи қизлари Қамар — маданият институтида дарс беради, турмуш ўртоғи — телерадиокомпаниясида оператор. Учинчи қизлари Дилбар — филология фанлари номзоди, турмуш ўртоғи химия фанлари номзоди.

Ўғиллари Тулфар Абдуллаев Москвада яшайди — инженер.

Домланинг қолдирган бебаҳо ёдгорликлари бўлган фарзандлари ҳам озод она ватанимизнинг фаровонлиги учун жон куйдириб ишлаётган олим ва олималардурки, булар билан фахрлансак арзийди.

Акам Ғайратийни кўрган одамлар борки, у кишининг хушчақчақлиги, кишилар билан тез тил топишиши, қувноқлиги ҳақида бошқача мароқ билан сўзлайдилар.

30—40 йилларда бахт-озодлик учун курашиб, бу кунги истиқлолимизни кўролмай кетганларнинг арвоҳлари шод бўлсин...

Мени қўлимга қалам олишга мажбур қилган бошқа бир гап ҳам борки, у ҳақда эндиги кунларда бир-икки оғиз сўз дегим келди.

Бу ҳам бўлса, домла Ғайратийнинг Чўлпон билан бўлган адабий-ижодий мулоқотлари ҳақидаги сўз. Акамнинг айтишларига қараганда (буни ўз оғизларидан бир неча бор эшитганман) Чўлпон билан бир неча марта ижодий сафарларга боришган. Акамнинг шундай сафарлар тўғрисидаги айрим ҳикоялари қулоғимда қолган. Бир куни Чўлпон ва акам Фарғонадан Шоҳимардонга бричка аравада (похол хашаклар устида) ёнбошлашиб суҳбатлашиб кетишаётган экан.

— Тепамизга бир ҳовуч ивирсиқ булут келиб, бир-икки илиқ томчи ташлаб ўтди, — деб ҳикоя қилган эди акам, — шунда Чўлпон булутга қараб бир шеър тўқиди. Шеърнинг мазмуни шундай:

«Яна нега мени
қитиқлайсан!
Ҳа, ўша сен ахтарган
баҳор ўша менман!»

Домла бу шеърни ёддан билар эдилар. Бу шеър қоғозга туширилмаган бўлса керак?

Шоир Ғайратийнинг олима қизи Дилбар Абдуллаева «Тошкент оқшоми» газетасининг 1989 йил 19-декабр сонида ўз отасининг Чўлпон билан бўлган ижодий дўстликлари ҳақида тўхталган: «Домланинг «Тузалган ўлка-га» шеърининг баъзи сатрларига Чўлпон қалам теккизиб берганлиги (тузатишлар киритгани) бу аниқ ҳақиқат», — дейилган.

Домланинг яна бир ҳикояси ҳамон хотирамда: «Фарғонанинг кўчаларида кетаётган эдик, — деган эди акам,— тўсатдан Чўлпон мени имлаб, ёнимиздан ўтаётган бир гўзал қизни кўрсатди.

Биз меҳмонхонага келгач, Чўлпон хаёл суриб ўлтирар, нимадандир маҳзун кўринар эди. Мен «нега хафасиз?» — деб сўрадим.

Чўлпон:

— Бояги қизга! — деди.

Мен:

— Сизга бир нарса дедими?

Чўлпон:

— Бир нарса деса, йиғлармидим!

— Нега бўлмаса хафасиз?

Чўлпон:

— Унинг гўзаллигини тасаввуримга сиғдиролмай ҳайронман! — деди.

Чўлпон ана шундай кўнгли бўш, беғубор шоир эди, — деб қўшимча қилди домла. Чўлпон Навоий, Бедил фалсафасини, Фузулий, Огаҳий жўшқинлиги, Фурқат, Муқимий эҳтиросларини шеърларида акс эттирган шоир эди».

Ҳақиқатан ҳам, ўша тузум қатағонига учраган аллома ва ижодкор одамларга қилинган жабрни ҳис этиш қанчалик оғир!

Шу сабабдан бу кунги истиқлолимизнинг қадрига етайлик! Уни эъзозлаб, қўлимиздан келган хизматимизни аямайлик!

Анвар АБДУЛЛА

ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ ПОКИСТОНДА

Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги асрий алоқалар кейинги 25—30 йил ичида сусайиб, ҳатто узилиб қолган эди. Бу гап адабий алоқаларга ҳам тааллуқли. 50-йилларнинг охирлари, 60-йилларнинг бошларида Покистон адиб ва шоирлари асарлари ўзбек тилига бир қадар таржима қилинган, нашр этилган эди. «Покистон ёзувчиларининг ҳикоялари» тўплами, Аҳмад Надим Қосимийнинг ҳикоялар ва романи, Файз Аҳмад Файзнинг шеърлари ва бошқа асарлар ўзбек тилида чоп этилган эди. Шу асарлар орқали ўзбек китобхони Покистон адабиётидан озми-кўпми воқиф бўлганди. Лекин шундан кейинги Покистон халқлари адабиёти-

даги ўзгаришлар, янги авлод ижодкорларининг асарларидан биз деярли бехабар қолдик. Покистонлик китобхон ҳақида ҳам қарийб шундай дейиш мумкин — улар ҳам ўзбек адабиётига яқиндан ошно бўлишолмади.

Бироқ бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, ўзбек адабиётини урду тилида чиқариш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Сара асарлар «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлимида таржима қилиниб, нашр этилди. Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Зулфиянинг шеърлари, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», ўзбек ёзувчиларининг «Бахт қуши» номли ҳикоялар тўплами ва бошқалар шулар жумласидан эди.

Камина шу йил март ойида Лаҳўрдаги «Покистон — Ўзбекистон маркази»нинг таклифига кўра ўзбек тили курсларини ташкил этиш мақсадида бу ерга келганимда, ўша асарлардан бир нечтасини олиб келган эдим. Дастлабки кунларданоқ, Ўзбекистон — Покистон адабий алоқаларини тиклаш ишига киришдик. Бу ердаги ёзувчи ва ноширлар билан маслаҳатлашдик. Ҳозирги ўзбек адабиётидан асарлар танлаб, тўплам ҳолига келтириш, уни таржима қилиш кўп вақт талаб қилгани сабабли ишни тайёр таржимани қайта нашр этишдан бошлаш маъқул, деб топилди ва «Бахт қуши» тўплами қайта чоп этиладиган бўлди.

Ушбу тўпламдаги ҳикояларни танлаш ва нашр этишни ёш адиб ва ношир Тоҳир Аслам Гўра ўз зиммасига олди. Сўзбоши ёзиш, жузъий таҳрир қилиш, корректураларни ўқиб беришни мен зиммамга олдим. Салкам тўрт ойлик ҳамкорлигимиз натижасида ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялар тўплами «Ўзбекистон ҳикоялари» номи билан Лаҳўр шаҳрида «Пакистан букс энд литерари Саундз» нашриётида урду тилида чоп этилди. Муқовани безашда ўзбек мусаввирининг асаридан фойдаландик.

Бу тўплам Покистон ва ўзбек адабий алоқалари тарихида чиқарилган биринчи асардир. Шу муҳим воқеа муносабати билан Лаҳур шаҳрида покистонлик адиблар, шоирлар, жамоатчилик аъзолари, Покистон —Ўзбекистон марказининг фаоллари ва матбуот намояндалари иштирокида ижодий мулоқот ўтказиш мўлжалланмоқда.

Китоб Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг «Ўзбек ёзувчиларининг танланган ҳикоялари» номли қисқа кириш сўзи билан очилади. Ундан кейин каминанинг адабий алоқаларимизга бағишланган мухтасар сўзбошиси келтирилган. Тўпламдан ёзувчиларимиздан Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Сарвар Азимов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Мақсуд Қориев, Саида Зуннунова, Носир Фозилов, Жонрид Абдуллахонов, Фарҳод Мусажонов, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Латиф Маҳмудов ҳикоялари жой олган. Ҳикояларни таниқли олим ва таржимон Раҳмонберди Муҳаммаджонов, Манзар Салим жаноблари ва Ғафур Риҳситиллаев таржима қилишган.

Шу ўринда ўзбек ўқувчиларига бир маълумотни етказиш лозим. Покистонда нашриётлар кам эмас, чоп этиладиган китоблар ҳам етарли. Лекин китоб нархининг баландлиги ва саводхонликнинг анча паст даражадалиги сабабли китоблар тиражи одатда жуда кам бўлади (албатта, дарсликлар бундан мустасно, бироқ дарсликлар ҳам баъзан кам тиражда чоп этилади). Бир қанча покистонлик ноширлар билан шулар тўғрисида суҳбатлашдик. Уларнинг якдил фикрига қараганда, тиражнинг беш юз дона бўлиши одатдаги ҳолдир. Китоб минг нусхада чиқса, яхши тираж ҳисобланаркан. Китобнинг икки минг нусхада чоп этилиши шов-шувга сабаб бўлади. Уч минг тиражни биз тасаввур ҳам қилолмаймиз, деди ноширлар. Шу билан бир қаторда тан олиб айтиш керакки, китобларнинг чоп этилиш сифати жуда яхши.

Мана шундай бир шароитда ўзбек ёзувчилари тўпламининг нашр этилиши таҳсинга сазовор ишдир. Китоб «Покистон — Ўзбекистон маркази»нинг ёрдамида чоп этилди.

Тўпламдан ўрин олган ҳикоялар турли даврларда ёзилган, лекин бундан қатъий назар, уни ўқиган покистонлик китобхон ўзбек адабиёти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қила олади. Навбатдаги вазифа ҳозирги замон янги ўзбек адабиётини урду тилига таржима қилиш ва чиқаришни таъминлашдан иборат. Республикамиз Ёзувчилар уюшмаси бу ишни тезроқ амалга ошириши керак.

Умуман, адабий алоқалар деганда икки томонлама алоқалар кўзда тутилади. Энди биз ҳам покистонлик адибларнинг асарларини ўзбек тилига ўгириб, нашр этишимиз лозим. Тоҳир Гўра яқинда Ўзбекистонга борганида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Жамол Камол билан адабий алоқаларимиз ҳақида батафсил суҳбатлашишган ҳамда покистонлик ёзувчилар ҳикояларини ўзбек тилида нашр этишга келишилган.

Шу нарсани мамнуният билан қайд этиш керакки, юқорида номи зикр этилган адиб ва ношир «Ружҳанат» номи билан адабий журнал ҳам чоп эта бошлади. Ушбу журналнинг биринчи сонида ўзбек адабиётига анча кенг ўрин берилган, Заҳириддин Бобурнинг бир жуфт ғазали эълон қилинган. Ғазалларни урдуга Раҳмонберди Муҳаммаджонов таржима қилган. Покистонда Бобурни асосан подшоҳ, саркарда, буюк салтанат асосчиси сифатида билишади. Демоқчиманки, Бобурнинг гўзал шеъриятини Покистонда кенг тарғиб қилиш ҳам асосий мақсадларимиздан. Унинг ғазал ва рубоийларидан иборат бир тўпламини Лаҳўрда нашр этиш бўйича иш олиб боряпмиз.

Шугина эмас, П. Қодировнинг «Умид» ҳикояси ҳам тўпламга киритилган ва «Юлдузли тунлар»га тақриз берилган. Тақризнинг охирида: «Шу романни чоп этишни режалаштириб турибмиз», деган гап бор. Журналхонлардан бири шу тақризни ўқиб, бу роман олдин чиққан-ку, деб редакцияга қўнғироқ қилибди. Аниқласак, «Юлдузли тунлар» ростдан ҳам нашр этилган экан. Уни Исломободдаги «Нэшнл бук фаундейшн» номли ҳукумат нашриёти 1990 йилда чоп этган экан.

Бу ҳаммамиз учун кутилмаган гап эди. Бунинг устига «Юлдузли тунлар»ни бу ерда чоп этиш бўйича маълум тайёргарлик кўриб қўйилганди. Т. А. Гўранинг умид билдиришига қараганда, бу романни яна нашр этиш лозим ва бунга имконият бор.

Келажакда Покистон ва Ўзбекистон адиблари ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади, кенг кўламли тус олади, деб умид қиламиз.

Ансориддин ИБРОҲИМОВ
Лаҳўр шаҳри,
Покистон

«СОЧИНИНГ САВДОСИ ТУШТИ...»

«СОЧИЛГАН СОЧИНГДАЙ СОЧИЛСА сиринг...». Чўлпоннинг шеърларидан бирида ана шундай гўзал, мусиқий мисра бор.

Ҳақиқатан сочнинг сирлари жуда кўп. Жаҳон халқлари тарихида кенг тарқалган, қолдиқлари шу кунларда ҳам яшаб келаётган қадимги ишончлардан бири соч магиясидир.

Фанда магия дейилганда ғайритабиий йўл билан табиат ҳодисалари, ҳайвонлар ва инсонларга таъсир кўрсатиш учун бажариладиган хатти-ҳаракатлар, маросимлар тушунилади.

Машҳур этнограф Э. Тайлор дунё халқлари тарихида ёвуз кучлар соч толаси ва тирноқлар орқали ҳам унинг эгасига зиён етказиши мумкинлиги ҳақидаги тушунчалар ривожланганлигини айтади.

Ж. Фрэзер соч олиш, тараш, тозалаш обу ҳавога таъсир этиши, кишига унинг сочи ёки тирноғини қўлга киритган одам ҳар қандай масофадан ҳам таъсир қилиши мумкинлигини, чунки ибтидоий одам тушунчасига кўра сочда бош руҳи яшашини исботлаб берган.

«Инжил»даги дастлаб қуёш худоси бўлган Самсоннинг кучи сочларида бўлган. Душманлари ухлаб ётганда унинг етти тола сочини кесиб ташлаганларида Самсон қудратидан айрилган.

Қадимги одам тонг ёки кечки пайт уфқдаги қуёш нурларининг таралишини ҳам куннинг соч тараши деб билган. Инсон сочи осмон ғояси билан боғлиқ бўлгани учун жаҳондаги айрим халқлар ҳозиргача туғилиш, никоҳ, ўлим билан бир қаторда, илк бор соч олишни ҳам инсон ҳаётидаги энг муҳим сана ҳисоблайдилар.

Ўзбекларда бу маросим **соч тўйи ёки ақиқа** дейилган.

Қадимий туркийлар сочларини олмай, елкаларига тушириб юрганлар. Сочларини олган тақдирларида эса бош тепасида бир тутам соч қолдирганлар. У «айдар» дейилиб қаҳрамонлик белгиси бўлган.

Соч магияси бош каби осмон ғояси билан боғлиқлиги учун соч ва унинг аниқловчилари — кокил, тук, тола, ёл, гажаклар ҳам ўзбек халқ ижодида қудратли куч сифатида талқин қилинади. Шу сабабли эртакларда соч билан боғлиқ тароқ ерга ташланганда тўқайлар пайдо бўлади. Ўз ёлидан тола берган от, бўри, шер каби ҳайвонлар қаҳрамон ённи тутатиши билан етиб келадилар. Алпомишни чуқур чоҳдан Бойчибор думи билан қутқаради...

Соч толасини тумор қилиб тақиб юриш ҳозир ҳам кўп учрайди. Бундай ҳолатни Имом Ал-Бухорий «Ҳадис»ида ҳам учратамиз. Унда пайғамбарнинг яқинларидан бири шундай дейди: «Менда Расулуллоҳ алайҳи ва салламнинг бир тола сочларининг борлиги дунё ва ундаги бор нарсалар меники бўлиб қолганидан ҳам севинчлироқдир». Шунингдек, ҳадисларда пайғамбарнинг сочлари ҳам елкасига тушиб туриши айтилган.

Халқимизда соч магияси билан боғлиқ кўплаб иримлар, одатлар, маросимлар ҳозиргача сақланиб қолган. Соч магиясининг излари ўзбек халқ қўшиқларида, айниқса, жуда сезиларли:

Оқсув юзли, қалам қош,
Чиқма ёрим ялангбош.

Ўзбеклар яқин-яқинларгача ялангбош юришни айб санардилар. Қўшиқда ана шу ишонч ўз ифодасини топган.

Халқимизда анъанага кўра сочни майда ўриш қизларга, жуфт ўриш эса келинчаклар, жувонларга хос бўлган:

Том бошида турган қиз,
Сочини майда ўрган қиз.

Ёки:

Еримнинг қора сочи,
Икки бўлгудек бўпти.
Шу дамда ўйин қилсам,
Қараб кулгудек бўпти.

Сочнинг иккига бўлгудек бўлиши қизнинг балоғатга етганлигига ишорадир. Шунингдек, икки ёнга туширилган соч толалари келинчаклик белгиси бўлиб, **гажак** деб аталган:

Қизил гулнинг чечаги,
Нима бўлди кечаги.
Нақш олмадай юзнга
Ярашибди гажаги.

Қўшиқда келинчак ҳақида сўз кетаётганлигини биз гажакдан биламиз. Унда келин-куёвларнинг интим муносабатларига ҳам нозик қочирим бор.

Ўтган аср сўнгида Олтой туркларида аёллар ва қизларнинг соч ўримларидан ҳам фарқланишига эътибор берган В. Радлов аёллар сочини иккита ёки учта, қизлар майдалаб ўрганларини айтади. Бизнингча, соч ўримларининг учта бўлиши туркий халқлар тарихида кенг тарқалган шаманистик тасаввурлар ва ундаги уч — осмон, ер, ер ости дунёси ғояси билан боғлиқ бўлган.

Соч ўримлари қадимда туркийлардан ташқари славян халқларида ҳам жинсий—ёш гуруҳларини англатган. Илгари халқимизда соч ўримига қараб аёлнинг кимлиги — қиз, келинчак, жувон ёки набира кўрган момолигини билиш мумкин бўлган.

ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДА ШУНДАЙ бир одат ҳозиргача сақланиб қолган: тўй куни никоҳ ўқилиб, чимилдиқда соч сийпатар, ойна кўрсатар, қўл ушлатар, кампир ўлди ва бошқа рамзий қўшилишгача бўлган барча маросимлар бажарилиб бўлгач, куёв чимилдиқдан чиқиб кетади. Шундан сўнг серфарзанд бир аёл пиликлар билан келинчакнинг майда сочларини иккита қилиб ўриб қўяди ва бу қизликдан жувонликка ўтишнинг рамзий белгиси ҳисобланади.

Халқ қўшиқларида сочнинг қошга, белга тушиши доимо қиз боланинг балоғатга етганлигини билдиради:

Олма пишганда келинг,
Тагига тушганда келинг.
Орқа сочим жамалак,
Белимга тушганда келинг.

Халқ қўшиқларида мевалар пишиши, соч тараш албатта севги истаклари билан уйғунлашади:

Наманганнинг олмаси ҳил-ҳил пишибди,
Таманноси билан тагига тушибди.
Бориб айтинг ўшал жонона ёрга,
Менинг ишқим унга ёмон тушибди.
Қошимга ўсмалар қўйсам келарми ёр-эй,
Кўзимга сурмалар қўйсам келарми?

Халқ лирикасида қош образи ҳам соч магияси билан боғлиқ бўлиб, қўлланилиши жиҳатидан сочдан ҳам фаолдир. Шунинг учун қўшиқларда соч магияси билан боғлиқ жуда кўп тушунчалар қош, киприкларга ҳам кўчади:

Қиз бола, қилиққинанг қил ёради,
Лабларингнинг шакари тил ёради.
Қошларинг қози бўлиб юрт сўраса,
Кипригинг жаллод бўлиб, жон олади.

Қўшиқдаги қил, қош, киприклар соч магияси туфайли қудратли деб талқин этилган.

Ўзбек халқ лирикасида сочнинг йигитларни, ёрни мафтун, асир қилиш каби магик хусусиятининг бадиий ифодаси етакчидир:

Балбаланинг баланди,
Сочинг дарёнинг банди.
Мен борай кўча билан,
Тераксор ичи билан.
Йигит қўли боғлансин
Қизларнинг сочи билан.

Қизиғи шундаки, қўшиқларда эр кишиларнинг ёш бўйича фарқланишлари ҳам соч-толалар магияси билан боғланади.

Ўзбеклар болаларнинг болаликдан ўсмирликка ўтиш даврини **суннат тўйи** маросими билан нишонлайдилар. Олимлар фикрича, бу одат ислом дини қарор топгунча ҳам кўпгина халқларда мавжуд бўлган. Назокат юзасидан суннат ҳақидаги халқ қўшиқлари учрамайди. Бироқ халқ лирикасида йигитлик **мўйлов**, кексалик **соқол** билан ифодаланишини кўп учратамиз:

Тоғдаги барра қиёқдек.
Қошларингдан ўргилай.
Янги чиққан майсадек
Мўйловларингдан ўргилай.

Халқимизда йигитлар балоғатга етганда **мўйлов тўйи, мўйлов оши** маросимлари ўтказиш қадимда кенг тус олган, аммо ҳозирда бу одат унутилиб бормоқда. Кўча-кўйда мўйлов қўйган йигитларга: «Мўйлов ошини қачон еймиз?» — деб ҳазиллашишлар ана шу қадимий одатнинг изларидир.

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

Энди мана бу қўшиққа эътибор беринг:

Соқолинг саватдек чиқма тўшакка,
Нега увол бўлай сендай эшакка.
Сенга топилмасми бир сочи ёзиқ,
Менга қурибдими бир бахти ёруғ.

Қўшиқдаги соқол — кексалик рамзи. Сочи ёзиқ аёл — бева, қайғули жувон. Ўзбекларда аёллар эри, яқинлари ўлганда соч ёзиб йиғлайдилар. Зиён етказувчи ажиналар ҳам сочини ёзиб ўтирган ҳолатда тасаввур қилинади.

Халқимизда жуда машҳур мана бу қўшиқ соч магиясига жуда яхши мисол бўла олади:

Ёр юрган кўчаларни
Супурай сочим билан.
Чанги чиқса сув сепай
Кўздаги ёшим билан.

Қўшиқнинг сирт маъносига кўра, биз унда ёр юрган кўчаларни сочи билан супуришга, кўз ёши билан сув сепишга рози бўлган фидойи лирик қаҳрамонни кўрамиз. Аммо тарихий асос ва магик тасаввурларга кўра қўшиқ маъноси анча кенгдир. Магия қоидасига кўра одамнинг изи билан ўзи ўртасида ҳам магик алоқа сақланади. Қадимги кишилар одам изига мих қоқиб, унга зарар етказиш мумкинлигига ишонганлар. Ёр юрган кўчаларда эса унинг изи қолади. Лирик қаҳрамон бу изни магик қудратли сочи билан супуриш, магик кўз ёши билан сув сепиш орқали ёрни ўзига қарам қилиб олмоқчи.

Бизга маълумки, ўзбекларда қизга совчи бўлиб борган аёлларнинг қиз ҳовлисини супуриш одати ҳам бўлган. Умуман, халқ ижодида супурги ҳам зиёнларни қуритувчи ёки келтирувчи магик нарсадир. Бинобарин, супургини тик қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам баъзи халқлар эртакларида ялмоғизлар супургини миниб учадилар. «Алпомиш» достонида ҳам Барчин Бойчиборга: «Қурру-ё, қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти, Оқ тўшим — яйловинг, сочим — шипиртки», деб мурожаат қилади.

Соч магияси ўзбек классик адабиётида ҳам ўз изларини қолдирган. Чунки у, айтиб ўтганимиздек, осмон ғояси, илоҳият билан боғлиқ. Хусусан, бобокалонимиз Алишер Навоий ғазалларида соч образи — гўзаллик, парищонлик кайфиятларини кўп ифодалайди.

Бобур ғазалларининг халқчиллиги ҳам халқ эътиқодлари, уларнинг тасаввурлари билан боғлиқлигидадир:

Сочининг савдоси тушти, бошима боштин яна,
Тийра бўлди рўзғорим ул қаро қоштин яна...

Бу байтдаги бош инсон бошини ҳам, савдонинг аввалдан тушганлигини ҳам англатиб, қош соч образининг таъсирини кучайтиришга хизмат қилган.

Қора сочим ўсиб, қошимга тушти,
Не савдолар менинг бошимга тушти.

Кўриниб турибдики, халқ қўшиғида ҳам Бобур ғазалидаги каби соч ва қош эгизак тушунчалардир.

Аёғим еткунча Бобурдек кетгай эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна.

БОШ ВА АЁҚНИ ҚАРШИЛАНТИРИШ орқали гўзал поэтик тушунчалар яратиш Бобурнинг энг севимли воситаларидан биридир. Юқоридаги байтда ҳам соч магиясининг қудрати яққол кўриниб турибди.

Қуръони каримда Оллоҳ инсонни бошдан-оёқ мўъжиза қилиб яратганини кўп уқтирилади. Бу хусусият ўзбек халқ лирикасида ҳам тўла ўз ифодасини топган. Биз эса, ҳозирча инсоннинг сочи билан боғлиқ эътиқодлар ҳақида қисқагина мулоҳаза юритдик, холос.

Асқар МУСАҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

Нажот йўли

БАДИҲА

СЕН ДОИМО ШОИРЛАРНИНГ кимлигини сўрардинг.

Сен каби шеърият ошуфтасини бу дунё кам кўрган. Шунинг учун ҳам шоирларнинг кимлигини қайта-қайта сўрайверишинг жонингга тегмасди. Қизиқардинг жудаям. Юришинг ҳам, туришинг ҳам, ётишинг ҳам, гапиришинг ҳам, ўйлаганинг ҳам, ҳаттоки, овқатланишинг ҳам шеър эди. Тангри сени шеър ошиғи қилиб яратганди, дўстим. Эслайсанми: кўнглингга ўтирадиган шеър ўқиб қолгудай бўлсанг борми, тилла топиб олган тентак ҳам сендай қувонолмасди.

Энг қизиғи шундаки, сен ҳамма нарсадан битта хулоса чиқарардинг — фожиа. Сенинг наздингда бутун олам фожиа асосига қурилганди. Кузда хазонлар уюми кўзини яшнатиб тутаётган кўчадан бораётиб, қишда паға-паға қор ташлаётган маҳалда қишлоқ четидаги баландликка [illegible]ғарилаётиб, баҳорда бепоён денгиз каби ястаниб ётган кўм-кўк даланинг қоқ ўртасидан кесиб ўтаётиб, ёзда саратонда, айни пешин чоғида улкан қайрағоч остидаги қуюқ салқинда сим каравотга чўзилаётиб... юрагинг мантиқсиз, жудаям мантиқсиз фожиани ҳис қиларди. Ўзингни қўярга жой тополмасдинг. Шунда, худди [illegible] бўлиб турган вақтинг шеър айтардинг. Тиндан, тўхтамасдан айтавердинг, айтаверардинг. То [illegible]унингга қадар. Ҳамма сани унутардинг, баайни руҳий бемор сингари. Шеър сенинг фожианг эди. «Ўйлаганман, — дердинг бироз ўзингга келгач, — шеър менинг фожиам, бироқ мен фожиамни севаман». Жилмайиб қўярдинг. «Ахир, ўзинг айт, — давом этардинг яна, — менинг фожиам фожиа бошқа кимларда [illegible] Дейлик, юзтада бор, лекин ер юзида юзта одам яшамайди-ку? Миллиардлаб фожиалар яшайди ва уларнинг бариси бир-бирига ўхшаган жўн фожиалар-ку? Мен нимага атиги юзтада (балким ўнтада) бўлган фожиамни севмай?»

Ифтихорингга қўшилардим. Сени бу ҳаётнинг мубҳам туш каби хўрсиниқли панжаралари орасига чирмаб боғлаб ташлаган ягона куч фақат ва фақат шеър эканлигини ич-ичимдан туярдим, ишонардим шунга. Эндиликда бирин-кетин, босқичма-босқич ҳаммаси аён бўлиб келаётир. Сенинг нима сабабдан доимо фожиа қидиришинг ва шеърдан фожиани ажрата олмаслигинг менга маълум энди. Юрак ҳаприқади. Кечаётган кунлар тушга ўхшайди. Фожиа устига фожиа топавераман. Худди сен каби шеър қидиришга тушаман шунда. Топдим — мўъжазгина китобча Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Теракка яқин юлдуз»и. Варақладим:

Асрлар ўтади лаҳза
кабн тез —
уруғ ёрилади — сачраб
чиқар гул,
бир думалаб болакайга
айланар хаёл.

Кел, бугун хайрлашамиз:
сен — тошга парчинланган
гул,
мен — оқариб ётган
суякман,
бугун ажрашайлик нур
тушмаган жойда.

...Заъфарон япроғу сарғарган майсаларга бурканганича сукунат бағрида ётган қалин дарахтзор, қатқат пиллапоялар шаклига кирган қадимий ўзани ёнидан ҳанузгача йироқлаша олмасдан тобора, йилдан йилга кичрайиб, мунғайиб ўрмалаётган дарё манзараси, ҳув бир замонларда гердайган қоматини кўкка қадар чўзган бақатеракнинг ҳозирда чириган ёғоч қиёфасида ҳовли чеккасидаги намчил бурчакда узала тушиб ётиши, минг йилдан буён ўтмиш саҳифаларида ўз сувратини акс эттириб келаётган баҳайбат чинорнинг тўсатдан бир кечанинг ичида куйиб кул бўлиши, азим шаҳар марказида бир-бирига суянганича давомийлашиб кетган маҳобатли бинолар, чўлнинг шаффоф тунида ўзини мана мен дея кўз-кўз қилиб, ёғилгудек бўлиб турган юлдузларнинг кўнгилларда ичиктирувчи кайфият туғдирган намоёнлиги ва яна... мункиллабгина бораётган чол, кутубхонанинг йўқолган китоби, майда-майда парчаларга айланган ойна, қаршингдан кунда икки марта чиқиб хайр сўрагувчи кимса, саломингга алик олишни фаришталарга қолдирган биродаринг, кўрганингда дилингни тамоман ёруғлик билан тўлдиргувчи, юзидан беозорлик нури ёғилиб турган яхши одам ёхуд болалигинг ҳақида гувоҳлик берувчи бирдан-бир далил — ёшлигингда тушган сувратинг... Сен буларнинг барчасини фожиа ўрнида кўрардинг.

«Дунёда ҳар бир нарсанинг, ҳар бир мавжудотнинг ўз фожиаси бор. Фожиасизлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Ҳаттоки тангрида ҳам фожиа бор — Унинг фожиаси бизни севганлигида...»

Бу — сенинг сўзларинг. Ва ниҳоят, вақт ўтган сайин, фикр тиниқлашган сайин сенинг ҳақлигинг равшанлаша бораётир. Фожиани ҳис қилганим сайин Дунё менинг ботинимда бутунлай ўзгачасига ўзгараётир, кўринаётир.

Қаторлашиб кетган
даврлар,
Башариятнинг навбатдаги
ўзгаришлари
Гурас-гурас қадамлар
билан ўтаётган гуруҳлар
Этагидагини бир-биридан
бекитиб турган давлатлар
Қадимги ва ҳозирги инсон
Эзгулик ва ёвузлик
Тириклар ва ўликлар
Табиат бераётган офатлар
Ер юзи ва ер ости
Сув, ҳаво, тупроқ, тош
Вақт, фазо, кўнгил, ақл,
касаллик
Санъат
Умр, ўлим...
Ва тангри бор бизни
қуллагувчи ҳамда
севгувчи.

Дунё менга жо бўлаётир. Худди Сен каби шеър қидиришга тушаман шунда. Кўнгилнинг энг тубидан қидираман ўша шеърни. Топдим:

...Ажиналар рақсга тушса
хўмрайса арвоҳ
тушиб, симоқликка шай
турар
бу шаффоф идиш.
Ҳар биттамиз
Тафаккуримизда мўъжаз
тахт ясаб қўйдик
худо келиб ўлтирмоғи
учун,
бироқ худо
келиб ўлтирмас бу тахтга,
аяйди биз каби
бандаларини.

ШЕЪР ЁЗИШ ЁКИ ЁЗМАСЛИК ҳеч нарсани белгиламайди. Ойлаб, йиллаб шеър ёзмасдан юриш мумкин, ҳаттоки бутун умр... аммо кўнгил «доимо шеърга тўлуғ бўлмоғи бу — қисматдир», деган сўзларни ўша шоирнинг, ўша Блок деган буюк шоирнинг кундаликларидан ўқиганимда беихтиёр сенинг айтганларинг дилимдан ўтди: «Ахир, бизни, яъни сени ва мени бекордан бекорга яратиб қўймагандир-ку? Бекордан бекорга бизни шеър деган улуғ бир неъматнинг шайдоси бўлмоқликка муносиб кўрмагандир-ку?»

Демак, бизнинг қисматимиз шу. Токи кўнгил шеърга тўлуғ экан, токи тўлуғлик гирдобида сармаст тебранар эканмиз, токи ҳар бир нуқтадан, ҳар бир шарпаю қиёфадан, токи ҳар бир лаҳзадан шеър излар эканмиз, бизнинг қисматимиз шу.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Тўғримизда турган йўл баландликка қараб кўтарилиб кетган. Йиллар бурови остида, хилма-хил фасллар исканжасида, ранг-баранг ақидалар зўравонлиги мобайнида ана шу баландликка кўтарилмоқ керак. Орадан йиллар ўтади. Судралиб, қийналиб, эзилиб кетган кунларни ўзининг шалдироқ аравачасига ортганича имиллаб бораётган йилларнинг сабабчиси, не таажжубки, бизлар бўламиз. Ана шунда бизнинг кўнглимиз шеър билан лиммо-лим бўлади, дунёнинг энг бадавлат кишилари бўламиз, зеро, тангри берган неъматлар орасида шеърдан-да қимматбаҳоси бўлмайди биз учун ўшанда. Такрор ва такрор шеър айтаверамиз, айтаверамиз, айтаверамиз... Дунё шеърдан иборат бўлади — шеър, шеър, шеър... Шеърларимизнинг ҳаммаси фожиа ҳақида бўлади — менинг фожиам, сенинг фожианг, унинг фожиаси, уларнинг фожиаси, дунёнинг фожиаси...

Шунда, шунда мўъжиза рўй беради. Энди атрофдагилар фожиа ҳақида шеър айта бошлайдилар. Худди биз каби ҳар бир нуқтадан, ҳар бир шамойилдан шеър ахтара бошлайдилар. Ибтидодан интиҳогача бўлган масофа фожиадан иборатлиги кўрина бошлайди уларга. Исталган мавжудот, исталган воқеликда фожиа шарпаси зоҳир бўла боради. Бир дақиқа бўлса-да, шеърга суянмоқ истайдилар. Биз каби, юрак қаъридан чиқиб келаётган сатрларга қулоқ тутадилар:

Дарахт танасини
йўнгандек шамол
сен нурай бошлайсан чап
кўкрагингдан.
бу суюк қафасдир —
панжаралари
чирт-чирт сина бошлар
чап бурчагидан.
Нени кутдинг,
нега шошилдинг,
сени қийнаётган қандай
шарпа бу?
Наҳотки
қулаб тушмоқ учун ўсади
дарахт?

Эртага нима бўлишини билмайман ва худди менингдек, эртага нима бўлиши сенгаям ноаён, дўстим. Эртага балким умрим тугар, балким ёшариб кетарман жудаям, лекин бу мени унчалик даҳшатга сола олмайди. Мен фақат эртага шеърни севмай қўйишдан қўрқаман. Чексиз-адоқсиз даражада қўрқаман.

Бизни олиб келган ва олиб кетгувчи куч, яъни вақт муқаддасдир. Таъбирни жоиз қилиб айтганда, вақт БУЮК ҚУДРАТНИНГ умридир. Бизга берилган «беш кунлик дунё» эса ана шу улкан, ҳеч қачон бошланмаган ва тугамайдиган вақтнинг миттигина бир заррасн, холос. Ваҳоланки, мубоянға билан «зарра» деб номланган кичкинагина умримиз давомида биз қандайдир куч олдида бўйин эгишга маҳкум эканмиз, ваҳоланки, эртага нима бўлишини билмас эканмиз, демак бизнинг елкамизда ўша куч олдидаги масъулият, бурч туради. Бу эса фожиа эмас, аксинча нажотдир, фожиадан чиқадиган йўлдир.

Нажот йўли. Энг оғир ва айни пайтда энг осон йўл шудир. Бу йўлдан бораётиб қандай қиёфаларга дучор бўлишлигимни шууримда гавдалантира оламан. Не кўргуликларга рўпара бўлмоғим ҳам ойдиндир. Майли, ҳаммасига розиман, фақат мени шеърдан бенасиб этмагин, эй нажот йўли! Сув қадар, ҳаво қадар керакдир шу шеър! Бир шеърки, унда фожиа мужассам, бир шеърки унда туганмас меҳр, синмас муҳаббат, ўлмас қувонч, боқий лаззат мужассам!

«...ШОИР—ЎЗГАРМАС БУЮКЛИК. Унинг тили, услуби эскириши эҳтимол; аммо унинг кашфиётлари дунёси ҳеч қачон эскирмайди.

Кишилар шоирдан ва унинг хизматларидан юз буришлари мумкин. Бугун унга ҳайкаллар қўядилар; эртага эса замон қайиғидан уни итқитиб юборишни истаб қоладилар. У ҳол ҳам, бу ҳол ҳам шоирни эмас, фақат ўша икки тоифадаги одамларни баҳолаши турган гап; ҳар бир санъат тури сингари шеърият олами ҳам ўзгармасдир; ниҳоят, у ёки бу муносабатлар шеърият учун мутлақо аҳамиятга эга эмас», деганди Блок Пушкин вафотига 84 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган маросимда. Ўшанда 1921 йил эди. Пушкинни, Достоевскийни, Толстойни «замон қайиғи»дан улоқтириб юбориш таклифи билан чиққанлар озмиди? Бирваракайига уч даҳодан воз кечиш... Шундоғам ўша ғаламислар, касофатлар туфайли юзлаб буюклар тарих қозонида қоврилиб кетишди. Етмиш-саксон йиллик масофани босиб ўтгачгина улар ёдимизга тушди.

Рус адабиёти ҳақида гапириш менга ўз адабиётимиз ҳақида яна бир карра айтиб ўтиш учун баҳона. Ахир, биздаям 21-йил воқеалари бўлиб ўтган-ку? Мингларни қийратишган-ку биздаям? Совет тузуми деган аждаҳонинг исковучлари қанчалаб бўлажак даҳоларнинг салласи ўрнига калласини олиб боришган, эҳҳе-ее...

Кўраяпсанки дўстим, шеър доимо фожиалар билан бирга, ҳамнафас яшаб келган. Демак, у кечаги кино ёки бугунги байрам эмас, фожиалар гувоҳидир. Шоҳиддир кўргуликларга.

Дўстим, сен доимо шоирларнинг кимлигини сўрардинг. Мана энди яқинлашгандайман сенга бериладиган жавобга.

Шеър ва шоирнинг қисмати битта. Шеър каби шоир ҳам мудом фожиа теварагида айланиб юради:

Байроққа илашган чумоли
бўлсам,
жангга кирар эдим
ҳаммадан олдин
жанггоҳдан соғ-омон
чиқардим, чунки
ўқдан кичкинаман тегаман
деса,
соғ-омон чиқардим бирор
жангчининг
ярасига қулаб тушмасам
агар,
ғарқ бўлиб кетмасам агар
кўз ёшга.

Шунчалар фожиага эшдир шоир ҳаёти.

Умр бўйи яралар қонига қулаб ўтади, кўз ёшларга ғарқ бўлиб, ситамлар халқасида банди, рўёлар чангалида орзуманд, истаклар уммонида нотавон, хаёл қасрида бек бўлиб ўтади шоирлар.

Афсуски, бу ҳали хулоса эмас. Моҳият ҳақида йиллаб гапириш мумкин. Бироқ ёруғ дунёда шеър деган сеҳр, тенгсиз ва бетакрор куй бор экан ўзга сўзга на ҳожат?

ШЕЪР ЁЗГАНИ БИЛАН ҳаммаям шоир бўлавермайди. Агар ким шеърга қўл урса шоирга айланаверганидами... одамнинг маймундан тарқаганлиги рост бўлиб чиқарди, темир бўлагини тупроққа тиқиб қўйсанг индинига кўкариб, барг ёзарди, фаришталар ерда кўча супуриб юрарди ва ҳоказо. Буёғидан кўнглингни тўқ тут. «Яхшиямки...», дея шукур қилавер. Чунки ўша шоирлардан биронтасиям шеър лаззатини сен қадар туя олмаган. Кузда қизил, сариқ, пушти рангларга бурканганича фожиа мусиқасини таратаётган оғочлар оралаб бораётиб улардан ҳеч биттаси, сен қадар ҳайрату лаззат қоришмасида масрур бўла билмаган, тунда милён хил сир-синоатларни бағрига маҳкам босганича мафтункор жимирлаётган, хилқат каби гўзал шаҳар жамолига сен қадар маҳлиё бўлган эмас. Ва мен ишонгум шунга. Шак-шубҳам йўқдир.

Сенинг қизиқишинг баҳонасида юрагимдагиларни қисман бўлса-да тўколдим деб ўйлайман. Ва яна истагим бор менинг: дўстим, айт, бизга дўст тутинмоқчи бўлганларга айт — КЎНГИЛ ШЕЪРГА ТЎЛУҒ БЎЛСИН! Ниятимиз пок ва холисдир. Тангри ёр бўлсин!

Шуҳрат РАҲИМ

УРГУТ ЖУРЪАТИ

УРГУТ, УРГУТЛИКЛАР ҲАҚИДА ЁЗИШ осонмас, деб ўйлайман. Бунга сабаб, табиатнинг бу гўшасидан кўплаб ижодкорлар етишиб чиққан. Улар ўз асарларида она-юртларини, одамларини, урф-одатларини маромига етказиб таърифлаганлар. Иккинчидан, ургутлик ишбилармонлар тўғрисида шунақа ҳангомалар тўқилганки, улар ёнига янгисини топиб қўшиш қийин. Учинчидан, агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги уч-тўрт ой ичида Ургут мавзуси матбуот саҳифаларидан тушмай қолди. Бу ердаги ибратли ишлар ҳақида ҳамкасбларимиз батафсил ёзмоқдалар. Бизда одат шундай. Бир ёзсак тинимсиз ёзамиз. Ёзмасак мутлақо лом-лим демаймиз. Яна бир одатимиз — ишорага ўрганиб қолганмиз. Кўпинча, юқоридан бир нима дейишларини кутиб турамиз. Ургут тажрибасини оммалаштиришда ҳам худди шундай ҳол юз берди. Юртбошимиз эътирофидан кейингина ҳаракатга тушиб қолдик. Ургутни меҳмону мухбир босиб кетди...

Газетамиз тауламларини варақлаб бу ҳудудга эътиборимиз етарли эмаслигини англадим. Ижодий жамоамизнинг бир неча аъзолари, бизда узоқ йиллар меҳнат қилиб эндиликда бошқа, янада масъулиятли лавозимларга кўтарилиб кетган журналистлар — ургутликлар бўлса-да, улар журналистиканинг ёзилмаган қонунларига амал қилиб, ўз жойлари тўғрисида ўз газеталарида ёзишдан тийилиб, одоб сақлаган бўлсалар керак.

Ургут ҳақида ёзмоқчи бўлган киши бугун эмас, бундан камида беш-олти йил аввал қўлига қалам олиши керак эди. Беш-олти йил аввал ҳам Ургутда ибратга молик, ўрганса, оммалаштирса арзийдиган ишлар, тажрибалар бор эди. Авлод-аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган не-не урф-одатларимиз ёмонотлиққа чиқариб қўйилган бир пайтда ургутликлар тоғ ёнбағирларида «Наврўз» байрамини йилма-йил нишонлайверишган, оммавий сайллар уюштиришган. Собиқ СССР қонунларига кўра тижоратчилар, ишбилармонлар бошида калтак синиб турган бир пайтда ургутликлар фаҳму фаросатларини ишга солиб чўмични мойга ботираверганлар. Дала ҳовли қурганлар сал бўлмаса халқ душманига чиқарилиб, «чорбоғчилар» дея бадном қилиб турилган кезлари Ургутда бугунгидек ҳашаматли, кенг, баланд уйлар қурилаверган. Томини оқ тунука билан ёпганларни райком бюросининг фавқулодда йиғилишларида муҳокама қилиш одат бўлиб турган бир пайтда бу ерда усталар сангтарошлик, ўймакорлик, ганчкорлик санъатларини намойиш қилаверганлар.

Нега шундай қилишган, деган савол туғилади. Хизмат сафаримиз чоғи мен асосан шу саволга жавоб изладим. Таниш ижодкорларга, биз билан суҳбатда бўлганларнинг кўпчилигига шу саволни бердим. Одамлар собиқ сиёсат асосларининг пуч илдизларини аслида яхши билардилар. Бу қизил шиорлар, ғайриинсоний тақиқлар, ўзликни намоён қилиш йўлларига қўйилган ғовлар эртами-кечми фош бўлишини, дориломон кунлар келишини аслида ҳаммамиз кутганмиз. Аммо лом-мим дея олмаганмиз. Биргина Ургутда эмас, ҳамма жойда ҳам билишарди, фаҳмлашарди ва сукут сақлашарди. Лекин мана шу оммавий сукут ичида гоҳ-гоҳ ногаҳоний эътирозлар, пинҳоний исёнлар ҳам бўлиб турарди. Бундай кайфиятни биргина Ургутда эмас, бошқа ҳудудларда ҳам кўриш, сезиш мумкин эди. Фарқи шундаки, ургутликлар хийла журъатлилик қилишди ва, мана энди маълум бўлдики, улоқ уларда кетди.

Ҳеч ким у дунёга қурган биносини, йўл ёки кўпригини орқалаб кетмайди. Қад ростлаган ҳар бир иморат элга, юртга қолади. Қурбингиз келса бир эмас, бир неча қават қилиб қуринг, безакланг, жиҳозланг. Бундан жамиятга зиён етмайди.

Ургут, ургутликлар тўғрисида ёзмоқчи бўлган киши гапни шундан бошласа ёмон бўлмасди.

Она-табиат ҳар бир жойга ўзига яраша ризқ-насиба улашган. Бизда анқонинг уруғи бўлган азим қарағайлар Русия қишлоқларида хас-хашакчалик ҳам қадрга эга эмас, чор-атроф ўрмон. Ўзи униб, ўзи ўсиб ётибди. Тагини чопиш, суғориш керак эмас. Архангелск вилоятининг Котлас шаҳрида кўзни қамаштирадиган даражада чиройли қарағай дарахтларини ўтинга арралашаётганини, машина-машина олиб келиб ўйдим-чуқур бўлиб кетган ботқоқ йўлларга ташлашаётганини кўриб йиғлаб юбораёзган эдим. Бу ҳақда гап очгудек бўлсангиз, улар «Сизлар бойсизлар, тоғу тошларингиз, қум-шағалларингиз бор, йўлларингиз равон, асфалтланган», деб жавоб беришади.

Бу гапларни эслаётганимнинг боиси шуки, табиат ризқ улашишда Ургутни ранжитмаган экан. Ризқ-насиба тоғу тошларда экан. Барпо этилаётган бинолар, қишлоқлардаги уй-жойларнинг деворлари тоғ тошларидан кўтарилган. Усталарнинг маҳорати шундаки, бир бино иккинчисига, бир жило иккинчи жилога ўхшамайди. Дунёда тош бинолар, улкан тош қўрғонлар, бошдан оёқ тошдан тикланган миноралар, майдону хиёбонлар оз эмас. Бу қурилишлар вазминлиги, салобати, мозийни эслатувчи бетакрор қиёфаси билан ҳам ажралиб туради. Белгиянинг Брюгге шаҳридаги қадимий ибодатхоналар, Ҳиндистондаги қалъалар, Прага марказидаги машҳур тош кўприк фикримизга далил бўла олади. Ургут қурилишларида бўлса тоғ ва сой тошларидан, айтиш мумкинки, нафис, латофатли манзаралар ҳосил қилинган. Ортиқча салобат, залвор киши кайфиятини оғирлаштириб юборади. Ургутлик усталар бунга алоҳида эътибор беришганга ўхшайди.

Район ҳокими билан хизмат хонасида суҳбатлашдик. Ўлмас ака Маҳматмуродов бизга Ургут тоғлари бағридан топилган қимматбаҳо рангли тошларнинг намуналарини кўрсатди. Вақти-соати келиб бу ноёб бойликлар ҳам ишга тушади, район иқтисодининг янада ривожланишига ҳисса қўшади.

УРГУТ ҚУРИЛИШЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛАР ЭКАНМАН, бир аччиқ ҳақиқатни англайман. Емирилиб битган собиқ империянинг қонли панжалари миллат тафаккурини бўғиб ётган эди. Қизил мафкуранинг бош мақсади одамлар қалб кўзининг очилишига йўл қўймаслик эди. Шу боис тарихимиз қораланган, маънавиятимиз ҳақоратланган, тилимиз кишанланган, динимиз оёқ-ости қилинган эди. Мустақиллик бизни мана шу ҳақоратлар ботқоғидан халос этди. Қалб кўзимиз очилмоқда. Одамларда юрт эгалиги, хўжайинлик ҳисси уйғонаётир. Испанза қишлоғида қайта тикланган жоме масжиди пештоқига, бино шифтига ишланган ўймакорлик санъатини кўриб Шоҳизинда, Регистон, Бибихоним каби нодир кошоналар билан жаҳонни ҳайратга солган аждодларимиз маҳоратлари авлодлардан авлодларга ўтиб ҳамон яшаб келаётганига ишончим комил бўлди. Тош, ғишт ва ёғоч уйғунлигига эришиш қурувчидан юксак маҳорат билан бирга нозик дид эгаси бўлишликни ҳам талаб этади.

Ургут жамолига янгича зийнат бераётган одамларни тадбиркорлар деб аташади. Тадбиркор ўзи ким? Даромади ошиб-тошиб кетган бойваччами ё эртаклардаги ҳотамтойми? Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Тадбиркор аслида сизу бизга ўхшаган одам. Аммо у тинч тура олмайди. Югуради, елади, ахтаради ва топади. Тадбиркор бозор кезади, пулни пулга уради, талаб ва эҳтиёжни аниқ ҳисобга олади, хавотирлар исканжасига тушади, таваккал қилади, аммо янглишмайди. Тадбиркор даромади машаққатлардан ҳосил бўлади. Кўплаб «ҳукумат бор, нима ғамим бор», деб болишни ўмровга босиб ётганида, тадбиркор дўппини бошдан олиб хаёл суради, чора излайди. Биз сўнгги етмиш-саксон йил давомида айни мана шундай одамларни қоралаб, пайини қирқиб келдик. Қўлидан иш келадиган, лаёқатли тадбиркорлар тақдирини қўлидан иш келмайдиган, лаёқатсиз танбаллар қўлига топшириб қўйдик. Ўзингиз яхши билган у ёки бу районни, шаҳарни, вилоят марказини олиб кўринг. Раҳбарлик лавозимининг чўққисида кимлар турганида нима ишлар қилинганини, қандай қурилишлар бўлганини эсланг. «Бу бино фалончининг даврида бўлган, бу йўл, бу кўприк, бу касалхона, бу мактабни фалончи бош бўлиб қурдирган», деган ёки аксинча, «Фалончи шунча йил ишлаб битта соябон қуришга ҳам арзимади-я», деган гапларни тез-тез эшитиб турамиз. Яхшидан боғу бино қолади.

Район газетасининг муҳаррири Файзи Ҳайдаров, ҳафталигимиз ходими Муталлиф Содиқов, суратчимиз Содиқ Маҳкамовлар билан янги бозорни, турфа хил расталарни, маданий-маиший биноларни, майдон ва хиёбонларни томоша қиламиз. Дурадгор усталарнинг маҳоратига таҳсинлар айтгинг келади. Гап орасида ҳозир Ўзбекистонда қурилишбоп ёғоч бир мунча муаммо эканлигини айтиб ўтаман. — «Терак экишга эътибор катта, — дейди мезбон муҳаррир ва ургутликларнинг тадбиркорлиги тўғрисидаги машҳур латифани айтади. — Қурилиш қиламан деган кишига жой кўрсатсангиз бас, керак нарсани ойдан бўлса-да олиб тушади.

Ўлмас ака қишлоқлардан бирига оқсоқол сайловига шошилиб турганига қарамай, саволларимизга батафсил жавоб берди. — Халқимиз орасида саховатли кишилар жуда кўп, — дейди ҳоким. — Бундай кишилар азалдан даромадларининг бир қисмини эл-юртга сарфлашган. Йўл чиқаришган, кўприк қуришган, масжидлар, мадрасалар барпо қилишган. Бизда ҳозир мана шу қадимий одатларимиз қайтадан тикланмоқда. Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи мустақил бирлашма туздик. Ғишт, асфалт заводлари қурдик, мавжудлари имкониятларини кенгайтирдик. Муҳими, бошқа жойлардан пудратчи ташкилотлар ҳам ахтариб юрганимиз йўқ. Ҳаммаси ўзимиздан чиқди. Жуда кўп кишилар, ёшлар иш билан таъминланди. Яқин-яқингача Ургутда саноат деганимиз деярли йўқ ҳисобида эди. Бугун эса, ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, машинасозлик ва консерва цехлари, сут ва нон заводлари, тўқимачилик фабрикаси, озиқ-овқат комбинати ишлаб турибди. Бу ҳали бошланиши холос. Яқин келгусида қимматбаҳо мармарларга сайқал берадиган бир неча қўшма корхоналар, заводлар ишга тушади.

Ургут тажрибаси мустақиллик туфайли республикада тамомила янгича шароит юзага келганлигини кўрсатади. Чин маънода тадбиркор, ишбилармонларнинг йўллари очилди. Биргина Ургутда эмас, бутун Ўзбекистонда ишлайдиган, яратадиган пайт келди. Танбалликни, беғамликни турли баҳоналар билан ниқоблайдиган пайт ўтди.

ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ анъаналари асосида янгича қиёфа касб этаётган бугунги Ургут ҳақидаги таассуротларим мана шулардан иборат. Одатда, илк таассуротларнинг ожиз томонлари ҳам бўлади. Ва аксинча, меҳмоннинг нигоҳи гоҳо мезбон эътибор бермаган нарсаларга ҳам тушиши мумкин. Япония ҳақида бир гап бор. Японияда атиги икки кун бўлган киши бу юрт ҳақида роса мукаммал сўзлаб бериши мумкин экан. Икки ой яшаган киши анча-мунча нарсани кўриб нимани сўзлашни билмай қийналар экан. Икки йил истиқомат қилганлар бўлса, умуман ҳеч нима айта олишмас экан.

Биз Ургутда хизмат сафари билан икки кун бўлдик...

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



ТЎРТКУЛ ШАҲРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ

Ғани ҲОЖИЕВ:

ТЎРТКЎЛГА—ГУЛЛАР

Қорақалпоғистон республикасида ўтган Тошкент маданияти кунларига 23—24 ноябрда яна бир тўй — Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллик байрами ҳам қўшилиб кетди. Тўрткўл бу айёмга катта ютуқлар ва ниятлар билан келди. Бу йил план ва режалар деярли барча соҳалар бўйича бажарилди. Айниқса, пахтачилик соҳасида натижалар ниҳоятда юқори бўлди. Республикамиз Президентининг фармонига мувофиқ белгиланган тўй нафақат Тўрткўл шаҳрида, бутун Қорақалпоғистонда кенг нишонланди. Шу баҳонада мухбиримиз Тўрткўл тумани ҳокими Ғани ҲОЖИЕВ билан шаҳар тарихи, ҳаёти ва келажаги хусусида суҳбатлашди.

— Тарихий ҳужжатларда,— деди ҳоким, — шаҳарнинг қурила бошлаш санаси 1873 йилнинг 23 августи деб белгиланади. Маълумки, 1873 йилнинг август ойи бошларида Хева хонлигининг Россия томонидан мустамлака қилиб олинганлиги тўғрисида Гандимиён қишлоғида битим тузилган. Бу битимга мувофиқ Амунинг ўнг соҳилидаги ерлар чор Русияси қўл остига ўтади. Айни пайтда, мустамлакачилар босиб олинган ерлар устидан назоратни кучайтириш мақсадида дарё соҳилидан шаҳар қуриш учун жой излайдилар. Генерал Кауфман бошчилигида қалъа учун жойни ўша пайтда Хева ҳокимининг девонбегиси бўлган Матниёзнинг боғини, яъни ҳозирги Тўрткўлнинг ўрнини белгилайдилар. Натижада шу ерга қалъа барпо этила бошлайди. Бу қалъа тарихий маълумотларда ёзилишича, Хева хонлигини босиб олишни орзу қилган Петр I ҳамда уни босиб олишга эришган Александр II шарафига Петр-Александровск деб аталган. Лекин шаҳар халқ томонидан Тўрткўл номи билан юритилган.

Тўрткўл номи бу ердаги шаҳарга нисбатан жуда ҳам қадимийдир. Хўш, бу сўз қандай маънони англатади? У ҳақда бир қанча ривоятлар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, қадимда бу шаҳар ўрнида катта қишлоқ бўлган. Бу қишлоқни тўртта кўл ўраб олган. Шу сабабли, бу ер Тўрткўл дейилган. Яна бир ривоятда шу қишлоқнинг тўрт тарафида тўрт бойнинг уйлари бўлиб, уларнинг боғларида ниҳоятда гўзал гуллар, гулзорлар бўлган дейилади. Шунинг учун тўрт гулдан Тўрткўл келиб чиққан деб фикр билдирилади. Бошқа бир ривоятда эса қишлоқ ўртасидан катта карвон йўли ўтган бўлиб, бу йўл четида тўртта қўли гул, чиройли тўқувчи қизлар яшашган ва одамлар шулар номига тўрт гўзал — Тўрткўл номини беришган, деган маъно чиқарилади.

Булардан ташқари, Тўрткўл ҳақида бошқа маълумотлар ҳам учрайди. Улардан бирида шундай фикр мавжуд: бир пайтлари бу ерда Тўрткўл канали бўлган, бу канал Тўрткўл қишлоғини оралаб ўтиб, кўлларга қуйилган. Тўрткўл сўзи эса форсча «Дургил» сўзидан келиб чиққан. «Дур» — ҳосил, «гил» — ер, замин маъносини англатган, бошқача айтганда, бу сўз ҳосилдор ер, унумдор замин маъноларини билдирган. Бу фикрда маълум ҳақиқат бор, деб ўйлайман. Чунки бу маскан воҳадаги энг серҳосил жой бўлиб келган.

Буларни умумлаштириб айтадиган бўлсам, Тўрткўл — халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишидаги тарихий жойларидан биридир. Буни шаҳар атрофидаги хоразмшоҳлар мамлакатининг кўплаб қалъалари қолдиқлари ҳам исботлайди.

— Тўрткўл Қорақалпоғистоннинг пойтахти ҳам бўлган экан!..

— 1920 йилда Туркистон АССР таркибида Амударё вилояти ташкил этилади. Вилоят маркази этиб эса Тўрткўл шаҳри танланади. Шаҳар номи ҳам ўша пайтдан бошлаб Тўрткўл деб юритиладиган бўлди. 1924 йилда эса Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилди ва шаҳар марказ қилиб танланди. 1932 йилда Қорақалпоғистон автоном республикага айлантирилди. Шундай қилиб, 20—30-йилларда Тўрткўл нафақат пойтахт сифатида, маданий марказ сифатида ҳам катта рол ўйнади. Билим юртлари, техникумлар очилди. Муаллимлар тайёрлайдиган институт фаолият кўрсатди. Газета ва журналлар чиқарилди. Илмий текшириш институтларида кўплаб алломалар етишиб чиқди. Бу ерда ҳам ўзбеклар, ҳам қорақалпоқлар бир оға-инидай яшашган ва ишлашган. Кейинчалик атоқли санъаткорлар бўлиб етишган Ойимхон Шомуродова, Тўхта Раҳмонова, Саъдулла Жуманиёзов, Йўлдош Шарипов, Абдураҳмон Ўтапов ва бошқалар илк қадамларини шу ерда ташладилар. «Қирқ қиз» қорақалпоқ достонини куйлаган улуғ жиров Қурбонбой Тожибоев ҳам шу ерда туғилиб, шу ерда яшаган. Тўрткўл шу тариқа 1940 йилга қадар пойтахт бўлиб келган.

— Шаҳарнинг кейинги даврдаги фаолияти ва бу ердаги ижодий, маданий аҳвол ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Тўрткўл эндиликда республиканинг энг катта иқтисодий, маданий тараққий этган туманларидан биридир. Бу ерда пахта тозалаш заводи, тўқимачилик бирлашмаси, темир-бетон ва хўжалик буюмлари заводи, саноат корхоналари мавжуд. Кейинги йилларда театр, меҳмонхона, магазинлар, «Қирққиз» кинотеатри, стадион, аэропорт, маданият саройи қурилди, янги босмахона ишга туширилди.

Туманимизда ўлкани ўрганиш музейи ишлаб турибди. Музей бу ердаги халқларнинг ўз тарихларини билиш учун хизмат қилмоқда. Ҳозир шаҳримизда 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Шуларнинг асосини ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқа миллатлар ташкил қилади.

Тўрткўлдан кўплаб ижодкорлар етишиб чиқдилар. Улар орасида Гулистон Матёқубова, Раъно Раҳмон қизи, Қурбонбой Қулимов, Оллоберган Худойберганов, Тоҳир Рўзибоев, Абдулла Бекжонов, Шарофат Йўлдошева, Шириной Раззоқова, Гулчеҳра Раҳимова сингари шоир ва адиблар, журналистлар асарлари кўпчиликка таниш. Атоқли санъаткор Отажон Худойшукуров ва унинг шогирдларини эса республикамиздагина эмас, Марказий Осиёда яхши билишади. Султон Раҳмонов сингари машҳур спортчиларимиз эса дунёга таниқли.

Мустақиллик туманимиз халқи учун катта имкониятлар очиб бермоқда. Халқларимизнинг қадриятлари тикланмоқда. Шаҳарнинг 120 йиллик тўйининг ўтказилиши ҳам истиқлолимиз ва Президентимиз Ислом Каримовнинг халқларимиз ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганлигидан далолатдир.

Тўй ниҳоятда яхши ўтди. Унга қўшни туманлар, вилоятлар ва республикалардан меҳмонлар келди. Қадимий анъаналаримиз, бугунги ютуқларимиз, меҳнат қаҳрамонларимиз эсланди.

Хуллас, 120 йиллик тўй халқимиз тарихи, бугуни ва келажагига порлоқ бир кўзгу бўлди.

ЗАҲМАТКАШ УСТОЗ

Совуқ мужда ҳаммамизнинг дилимизни вайрон, бошимизни хам қилди. Олижаноб инсон, ажойиб санъаткор, меҳрибон устоз, ҳамиша ҳозиржавоб саҳнадошимиз Ўзбекистон халқ артисти Омина Фаёзова билан видолашувнинг аччиқ, аламли дамлари, қалбларимизни исканжага олган изтироблар таърифу тавсифига сўз ожизлик қилади.

Омина опа ижодини кўпдан кузатиб юрган мухлислар жуда яхши билишади: образга сайқал беришда, уни турфа, бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган унсурлар билан бойитишда, ниҳоятда нафис, ўзига хос топилмалар кашф этишда пешқадамликни сира қўлдан бермасдилар.

Бу камтарин инсон, заҳматкаш устозимиз ижодига бағишланган сўнгги телекўрсатувда «Одамлар мени кўрганларида эсламасинлар, эслаганларида кўргилари келсин», дея айтган сўзлари ҳали-ануз қулоғим остидан кетмайди.

Сизни унутиб бўлармикан?! Охиратингиз обод бўлсин, гўрингиз нурга тўлсин, Омина опажон!

Наима ПУЛАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ОЛИЖАНОБ ИНСОН

Санъат оламида яна бир ёрқин юлдуз сўнди. Бетакрор санъаткор, дилкаш, заҳматкаш бир инсон — Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева орамиздан кетди. Бу совуқ хабар у кишини билган, санъатидан баҳраманд бўлган ҳар бир инсон юрагини тирнаб ўтди. Икрома опа том маънода бутун борлиғини театрга бахшида қилган олижаноб инсон эдилар. Бу санъаткор яратган ўзига хос образлар, ажойиб топилмаларга бой характерлар театрдаги барча ижодкорлар учун ижод мактаби бўлиб хизмат қилди.

Ажойиб устозимизнинг энг яхши хислатларидан бири шу эдики, ҳамиша жамоадагиларнинг бошини қовуштириб юрардилар. Тўй-маъракалар Икрома опасиз ўтмасди. Бизга ҳамиша умид, ишонч билан яшашни, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлашни насиҳат қилардилар. Уларнинг барча ўгитлари бир умр қалбимизда сақланиб қолади.

Жойингиз жаннатда бўлсин, охиратингиз обод бўлсин, азиз устоз!

Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти

ТАШНА ЭДИ

Шоир Талъат Солиев оламдан ўтди. Талъат ака билан узоқ йиллар битта таҳририятда меҳнат қилганмиз. Талъат ака яхши одам эди. Гап-сўзлари самимий, куюнчак, шеърияти ҳам ўзига ўхшаш — содда, очиқ-ойдин эди.

Шоир зотининг ҳар бир они фидойилик. У севикли ёри ёнида бўлганда ҳам, суюкли фарзандлари кўз олдида униб-ўсганда ҳам доим кимнидир, ниманидир соғиниб яшайди. Ўша соғинч шоирни бир умр тарк этмайди. Талъат ака ана шундай безовта қалб эди. Уни узоқ Аравон қишлоғидан фарзандлари билан пойтахт Тошкентга етаклаб келган жиҳат ҳам ўша безовталик — шеърият эди.

Талъат акадан яна «Аравон тоғлари», «Ғалаба куни» каби шеърий тўпламлар, чоп этилмаган юзлаб шеърлар, таржималар мерос қолди. У бир шоир юрак кўтаргудек дардни кўтарди. Бир шоир юракка сиққудек қувончни кўрди. Шоир учун шунинг ўзи кифоя. Қолган гапларнинг барчаси эса абас, ўткинчи. Аллоҳ Талъат акани ўз Раҳматига олган бўлсин.

Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ

ИСТЕЪДОД ТАРБИЯСИ

Болалар бадиий ижодиёти Республика Марказида санъатга меҳр қўйган беғубор юраклар-у, жажжи қўлчалар — «митти юлдузлар» ижод қиладилар.

Нафосат, гўзаллик, санъат жозибаси ҳақида, мўъжизавий ҳаётнинг ижодкорлари тўғрисида сўз юритмоқ, айниқса болаларнинг мурғак қалбида туғилган самимиятдан баҳра олмоқ нақадар мароқли.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган масканнинг очилганига эндигина уч йил бўлди. Лекин уларнинг шу қисқа фурсат ичида амалга оширган ишларини кузатиш учун соатлар камлик қилади. Улар бу масканни фақат ўзларидаги истеъдоду меҳнатларига, ўз кучларига ишониб ташкил этишди. Тўғри, ҳозир бировнинг ёрдамига кўз тикиб ўтирадиган давр эмас. Лекин улар ўзлари учун эмас, балки санъат ва маданиятимизнинг келажак пойдеворини қуриш учун фидойилик кўрсатмоқдалар.

Бу ажойиб масканга тажрибали маданият ходими Санобар опа Шодиева раҳбарлик қилади. Марказни ташкил этиш осон бўлмади. Чунки ўрганадиган, маҳорат олиш учун мурожаат этадиган манбалар ва муассасалар бўлмаганлиги, ҳали бу сингари марказнинг йўқлиги унинг аниқ иш режаси ва Низомга эга эмаслиги анча қийинчиликлар туғдирди.

Эзгуликка йўғрилган меҳнат ўз самарасини берди. Мана, уч йилдирки, Марказнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовор. Етим-есирларнинг бошини силаш ва уларни маълум маҳоратли касб томон ойдин йўлга бошлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Болалар бадиий ижодиёти Республика Марказини очишдан мақсад болалар уйида тарбияланувчи, кам таъминланган оилаларда ўсаётган болалар орасидан иқтидорли ёшларни танлаб олиб, ўзбек миллий маданиятини, халқ амалий санъатини қайта тиклаш ва ривожлантиришдир.

Бу масканга болалар маълум танлов асосида қабул қилиниб, кейинчалик уларнинг қизиқишлари ва иқтидорларига қараб уларнинг ижод йўналиши ҳам белгиланиб борилади. Болалар тўгарак машғулотларига қатнашиб эмас, балки фаол ва қизғин иш олиб борувчи 20дан ортиқ студияларда таниқли санъаткор, мусаввир, уста ва ижодкорлардан маҳорат сирларини ўрганадилар, бевосита устозлар мактабини ўтайдилар.

Таниқли мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев «Мўйқалам» студиясига раҳбарлик қиладилар. Студия қатнашчиларининг кўргазмалари Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида ташкил этилган. Улар бир неча марта халқаро кўргазмаларга ҳам иштирок этишиб, махсус совринлар билан тақдирланишган.

Марказда 1990 йили Эквадор ва Ҳиндистон болаларининг кўргазмалари бўлиб ўтди. Кўргазмага «Мўйқалам» студиясининг аъзоси, термизлик Нурали Бобомуродов «Ҳиндистон ҳақида» номли туркум асарлари билан қатнашди. Ҳиндларнинг улуғ йўлбошчиси Жавоҳарлаъл Неру юбилейининг 102 йиллиги муносабати билан Н. Бобомуродов Жавоҳарлаъл Неру стипендияси билан тақдирланди. Студиянинг 3та қатнашчиси эса «Наврўз» жамғармаси стипендиясига аъзо бўлишди.

Белгиянинг Картер шаҳрида шу шаҳарнинг 800 йиллик юбилейи муносабати билан кўргазма ташкил этилди. Марказ қатнашчилари юбилей тантаналарида фаол иштирок этишди.

Америка Қўшма Штатларининг Биродарлашган Сиэтл шаҳрида ҳам «Мўйқалам» студияси аъзолари ижодидан кўргазма уюштирилган.

Шу йил 3 сентябрда Ўзбекистон мустақиллигининг иккинчи йиллигига атаб Янги Зеландия ва Ўзбекистон болаларининг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмалар, учрашувлар, кечалар... Уларнинг сон-саноғи йўқ.

Ҳар гал Марказга борганимда у ердаги ижодкор болалар билан дилдан суҳбатлашгим келади. Болалар уйида ўсаётган норасидалар. Уларнинг кўнгил торларига тегиб кетмаслик учун нима ҳақда гаплашишни ҳам билмайсан киши. Нима тўғрисида гапирманг, барибир сўзнинг бир учи ҳаёт, оила, келажак ҳақидаги сўзларга бориб боғланади. Улар билан ҳаёт ҳақида, улар чизган расмлар тўғрисида, чексиз орзулар хусусида шу қадар сабрсизлик билан сирлашгим келадики...

Улар чизган расмларни кузатаман: «Ҳовли», «Кўза кўтарган қиз», «Натюрморт», «Она табиат», «Кабутар»... Юракларидан оқиб тушаётган сўзлар, сўнгсиз меҳрлар уларнинг мурғак қўлчалари билан чизилган расмларда акс этганини билиш қийин эмас. Улар ҳовлида яшамай туриб, ҳовли расмини, ҳовлидаги ҳар бир нарсани шу қадар ишонарли қилиб чизишганки, ҳовлида яшаган киши ҳам бу мўъжизага лол қолмай иложи йўқ.

Расмларни кузатиб шунга амин бўлдимки, болалар табиатга, табиий мўъжизаларга шайдо эканлар. Бу шайдолик уларни сунъийликка эмас, самимиятга, буюкликка чорлашини илғаш қийин эмас.

Адиба ҲАМРО қизи

СУРАТДА: кўргазмага қўйилган суратлардан намуналар.

В. АБРАМОВ суратлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳайдар Яҳёевга онаси

Шаҳодат МИРЗАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан

БОБУРИЙЛАРНИНГ ФАРАНГ ТАБИБИ

Машҳур подшоҳ Аврангзеб Оламгир саройида тўққиз йил табиб бўлиб хизмат қилган фаранг олими, сайёҳи ҳамда врачи Франсуа Берне (1625—1688) кейинчалик ўз ватани Францияга қайтиб боргач, Ҳиндистонда кўрган-кечирганлари ҳақида бир китоб ёзди. У китобда ўша замондаги Ҳиндистон ўлкалари, халқлари, сиёсий ва ижтимоий вазият, тож-тахт учун олиб борилган тинимсиз жанглар, дин ва эътиқод, урф-одатлар билан чамбарчас боғланган турли низо, ихтилофлар ҳақида жуда қимматли маълумотлар берди. У Шарқ халқлари ва подшоликлари ҳаётига, турмушига европалик кишининг илм-ирфон билан ёришган нигоҳи орқали қаради. Бобурийлар салтанатида рўй бериб турган воқеаларни, қари подшоҳ Шоҳ Жаҳоннинг тўрт вояга етган ўғли ўртасидаги тахтни эгаллаш мақсадида олиб борилган урушларни тирик кўз билан кузатди ва тирик фикр билан баҳолади.

Берне Европада довруғ қозонган файласуф ва донишманд Гассендига шогирд тушиб, фалсафа тарихини чуқур ўрганди, медицинага қизиқди ва ҳар иккала фан соҳасида доктор унвонини қозонди. Шундан сўнг Берне Фаластин, Шом, Миср, Саудия Арабистони шаҳарларини кезиб чиқди. 1659 йилнинг бошларида эса Ҳиндистонга борди. Аввалда Доро Шукуҳ қўл остида, сўнг у енгилгач, Аврангзеб саройида подшоҳ табиби лавозимида хизматда бўлди. У тўққиз йил давомида бобурийлар салтанатини кезиб чиқди. Подшоҳнинг сафарларида қатнашди. Берне 1669 йилда Францияга қайтиб келиб, Ҳиндистон ва бобурийлар салтанати ҳақидаги китобини ёзди. Қирол Людовик XIV бу китобни нашр этишга ижозат берди. Бернениng Ҳиндистон ва Шарқ ҳақида ёзган бир қанча мактублари билан бирга босилган бу китоб 1669 йилдан бошлаб қисқа бир пайт ичида етти маротаба чоп этилди. То XIX асрнинг биринчи чорагига қадар Бернениng бу китоби Европа тилларида 29 марта босилиб чиқди.

Европада бобурийлар ва ундан ҳам ортиқ темурийлар тарихини ўрганишга илгаридан қизиқиш жуда катта бўлган. Шарқшунос муаррихлар, ўнлаб ажойиб билимдон ва кордон сайёҳлар, савдогарлар, дипломатлар Шарқ халқлари ва мамлакатлари ҳаёти таҳлилларига тўлиқ қимматли асарлар яратганлар. Темурийшунослик ва бобурийшунослик Америка ва Европа тарих фанида жуда йирик мустақил соҳага айланиб улгурган. Биз темурийлар ва бобурийлар ҳақида дунёда яратилган жуда кўп асарлардан бехабармиз — улар ўз тилимизга таржима қилинмаган, ўрганилмаган. Гўё бобурийлар — Ҳиндистонда ҳукм сурганлар, шу боис бизга дахлдор эмаслар дегандай қарашлар ҳукм суриб келган. Ҳолбуки, бобурийлар Ҳиндистонда салтанат қурган бўлсалар-да, бутун илдиз томирлари билан Ўзбекистонга, ўзбеклар ва барча туркийлар қавмига чамбарчас боғланиб кетганлар. Бобурийларнинг маданий, маънавий мероси тўла маънода бизнинг меросимиздир. Ҳеч қачон унутмаслик керакки, бизнинг тарихий маданий-маънавий меросимиз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида чекланиб қолган эмас. Тарихий меросимиз барча Шарқ мамлакатлари ва хусусан, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Шом, Миср, Покистон, Кашмир, Шарқий Туркистон, Хитой, Мўғулистон, Япония, Тибет, Бирма, Шри Ланка ва бошқа мамлакатлар билан боғлангандир.

Бернениng китоби ва мактублари шу томондан ҳам бизга бебаҳо тарихий манба ва маънавий озуқалардан ҳисобланади. Берне Ҳиндистондан туриб Францияга ёзган мактубларидан бирида Кашмирда жуда ғаройиб бир тоғ кўрганлигини ёзади. У бошдан-оёқ майса-ўлан билан қопланган гўзал тоғ экан. У тоғнинг жанубга — Ҳиндистонга қараган бир томони ранго-ранг шарқона гиёҳлар билан қопланган экан. Шимолга, яъни Туркистонга қараган бетида эса фақат Европага хос, Европада ўсадиган ўсимликлар ўсиб ётаркан. «Бу тоғнинг жанубий бетида ҳаво ва ҳарорат Европа ҳамда Ҳиндистондан олингандек, шимолий ёнбағрида эса фақат Европанинг ўзидан олинганга ўхшарди», деб ёзади Берне.

Бошқа бир ўринларда Берне кашмирликлар ва туркийларни кўриб, «булар европаликларга жуда ўхшар экан-ку!» — деб ҳайратга тушади. Қитъалар ва халқлар тоғлар ва сувлар билан ажралгандек кўринса ҳам, аслида уларнинг тарихлари ва тараққиёт йўллари бир-бирларига туташиб ётади. Дунё худди ўша Берне тасвирлаган Кашмир тоғи — қайга борсангиз, бир томони Европа ва қайга борсангиз, бир ёғи Шарқдир. Шарқ ва Ғарб дунё деб аталган шу буюк ва гўзал тоғда туташиб ётади.

Бернениng бу ажойиб китоби 1936 йилда Москвада рус тилига таржима қилиниб босилиб чиққан. Менга олим ва файласуф Сулаймон Азимов бу китобни топиб ўқиб чиқишни бир неча маротаба айтган эди. Яқинда матбуотда Хайриддин Султон ҳамда Қамчибек Кенжаннинг бобурийлар сулоласи ҳақидаги қизиқарли мақолалари босилиб чиқиб, домла шу муносабат билан менга қўнғироқ қилиб яна Бернениng китобини эслатдилар. «Сизга тўқсон биринчи йилда бу китобни ўқинг деб айтган эдим, ҳали ҳам ўқимадингизми? Хафа бўлиб кетасан киши! Мен бу китобни ўқинглар деб ўттиз олтинчи йилдан бери ўндан ортиқ дўстларимга айтдим. Ҳеч ким топиб ўқидим, демайди. Шунчалар ҳам ҳафсаласиз бўламизми, а? Китоб менинг ўзимда бор эди. Уруш пайти қатағон қилишганда, бу китобимни ҳам олиб кетишган ва қайтариб беришмаган... Сиз барибир топиб ўқинг. Тошкентда бирон одамда қолгандир...» — деб домла бироз ранжигандай бўлди. Домла бироздан сўнг яна қўнғироқ қилди: «Топсангиз, айниқса, изоҳларни ҳам синчиклаб ўқиб чиқинг...» Жойимда ўтиролмай қолдим. Дўстлардан суриштирдим. Дарак чиқмади. Сўнг китобни Давлат миллий кутубхонасидан топдим. Сақланиб қолган экан. Суюниб ўқиб чиқдим. Шундай ажойиб тарих қолдириб кетган Бернениng руҳига фотиҳа ўқидим. Ундан бир шингилини таржима қилиб ўқувчиларга етказиш фикрига тушдим. Шояд, боболар руҳи биздан шод ва рози бўлгай...

Иброҳим ҒАФУР

Франсуа БЕРНЕ

Аврангзеб

АВРАНГЗЕБ. Қуръон мутолааси устида.

ДУНЁНИ КЎРИШ ИШТИЁҚИДА Фаластин ва Мисрга бордим, лекин сафарим шу билангина тугагани йўқ. Қизил денгизнинг у бошидан — бу бошигача айланиб чиққим келди. Қоҳирада бир йилдан ошиқ яшагандан сўнг, у ердан чиқиб карвон йўллари билан ўттиз икки соат ичида Сувайшга етиб келдим, бу ерда кемага ўтириб ўн етти кун деганда Жиддага бориб тушдим. Бу ердан Маккагача ярим кунлик йўл экан. Бунда Қизил денгиз бегининг ваъдасига хилоф тарзда ва, ҳеч кутилмаганда, Муҳаммаднинг муқаддас ерига қадам қўйишга тўғри келди. Ҳолбуки, қулдан ўзга насоронинг оёғи бу ерларга тегиши мумкин эмас. Жиддада мен 34 кун бўлдим. Кейин чоғроққина бир кемага ўтириб Саудия Арабистони соҳиллари бўйлаб Бобил Мандаб кўрфази яқинидаги Мокага келдим. Бу ердан мен Масову ороли ва Аркико орқали Ҳабашистон подшолигининг пойтахти Гондерага етиб олишни мўлжаллаган эдим. Лекин, билишимча, малика ойимнинг фитналари туфайли у ерда барча португалияликлар қириб ташлангани ёхуд иезуит ота билан биргаликда ҳайдаб чиқарилганидан бери католикларнинг ҳаёти у ёқда хавф остида қолган; бир шўрлик диндор мамлакатга кираман деб уринган экан, Суакенда бошидан жудо бўлибди. Рост, ўзимни грек ёки армани қилиб кўрсатсам, хавф камроқ эди. Подшоҳ ҳам бирон кор-хайрга яраб қолар деб топса, менга ер ҳам ажратиб берган бўларди, кейин қул сотиб олиб ерни ишлашим ҳам мумкин эди. Лекин бу ҳолда мени албатта уйланишга мажбур этишарди; яқинда ўзини грек врачи деб кўрсатиб у ерга борган бир руҳонийни шундай қилишибди, ана ундан сўнг ҳеч қачон бу мамлакатдан чиқиб кетишга йўл қўйишмасди.

Шуларни ва яна бошқа бир нарсаларни — улар ҳақида кейинроқ тўхталаман, — мулоҳаза қилиб кўрдим-да, кўзланган режаларимни ўзгартиришга қарор қилдим. Мен ҳинд кемасига ўтириб, кўрфаздан ўтиб, йигирма икки кун деганда Ҳиндистондаги Сурат деган портга етдим. Бу ерлар Улуғ Мўғулнинг салтанатидир. Билишимча, ўша замонда бунда Шоҳ Жаҳон подшоҳлик қилар экан, бу «жаҳоннинг подшоҳи» деган маънони англатар экан. Мамлакатнинг тарихидан маълум бўлишича, у Жаҳонгирнинг (яъни «дунёни ишғол этувчи») ўғли, Акбарнинг (яъни «буюк») набираси экан. Акбарнинг отаси Ҳумоюн (яъни «саодатли») орқали у Темурлангнинг ўнинчи авлоди бўларкан (биз уни нотўғри «Тамерлан» деб атаймиз, «бу оқсоқ подшоҳ» деган маънони билдиради). Темурланг ўз ғалабалари билан шон-шуҳрат қозонган, Улуғ Татариянинг мўғуллар деб аталадиган халқларининг подшоҳининг ёлғиз қизига ва яқин қариндошига уйланган.

Улар Ҳиндистоннинг ҳозирги ҳукмдорларига ўз номларини берганлар. Лекин турли юқори мансаблар ва лавозимларни, ҳатто қўшинда ҳам, фақат мўғуллар эгаллаб ўтирганлари йўқ. Кўпинча мансаб ва лавозимларни бошқа юртлардан келганлар, кўпроқ форслар, араблар ёки турклар эгаллайдилар. Ҳозирги вақтда хориждан келган оқ юзли мусулмон кишиларнинг барини мўғул деб ҳисоблайверадилар. Қора танли ҳиндулар, мажусийлар ва Европадан келган «фаранглар»нигина улардан фарқлайдилар.

Келганимдан кейин яна шуни ҳам билдимки, подшоҳ Шоҳ Жаҳон етмишга кирган бўлиб, тўрт ўғли ва икки қизи бор экан. Бундан бир неча йил бурун у тўрттала ўғлига Ҳиндистоннинг тўрт катта қироллигини бериб, уларни вице-қирол ёки волий қилиб қўйган. Мен келмасимдан бир йилча аввал Шоҳ Жаҳон бетоб бўлиб қолган, бу ерда энди унинг тузалиб кетиши қийин деб ҳисоблашар экан. Шу нарса сабаб бўлиб, тўрт оға-ини ўртасида низо чиққан, уларнинг ҳар бири ота тахтига даъвогарлик қилар ва беш йилдан буён ака-укалар ўртасида урушлар борар экан. Мен саккиз йил саройда туриб жуда муҳим воқеаларнинг шоҳиди бўлганим боисидан бу урушларни баён этиб ўтмоқчиман. Бот-бот қароқчиларга дуч келдим, узоқ кунлар сафарда бўлиб, қирқ олти кун деганда Суратдан салтанат пойтахтлари — Деҳли ва Ограга етиб бордим, йўл харажатларим кўпайиб кетиб, шу боис Улуғ Мўғулга врач сифатида хизматга киришга мажбур бўлдим. Бироз муддат ўтгач, мен бир саргузашт сабабидан Осиёнинг энг билимдон ва доно одамларидан бўлмиш, саройда суворийларнинг саркардаси, яъни «бахши» лавозимига эга Донишмандхон хизматига кирдим. Бул зот саройнинг энг қудратли ва эътиборли амирларидан бири эди.

Шоҳ Жаҳоннинг тўрт ўғлининг тўнғичи Доро, иккинчиси Султон Шужо (яъни «ботир шоҳ»), учинчиси Аврангзеб (яъни «тахт зийнати»), тўртинчиси Муродбахш бўлиб, «муродларнинг рўёбга чиқиши»ни билдирар эди. Икки қизидан каттасининг исми Бегим Соҳиб бўлиб, кенжасини Равшаноро Бегим дер эдилар. Мамлакатда маликалар ва шаҳзодаларга ана шундай номлар бериш одат тусига кирган эди. Шоҳ Жаҳоннинг мислсиз ғўзал хотинининг исми Мумтоз Маҳал деб юритишар, Тож Маҳал олдида Миср эҳромлари бесўнақай бир уюм тош каби кўринсалар ҳеч ажабланарли эмас. Тож Маҳал — замон ва сарой тожи деган маънони англатади. Эри айшишратга боши билан шўнғиб кетганда, узоқ йиллар давлатни бошқариб ўтирган Жаҳонгирнинг хотинини аввалига Нур Маҳал деб аташар, кейинчалик уни Нур Жаҳон Бегим деб юритиш одат тусига кирган эди. Маликалар ҳамда шаҳзодаларни бундай номлар билан аташларига сабаб шуки, бутун давлатнинг мулклари подшоҳники ҳисобланади. Ҳиндистонда аслзода аъёнлар мулклар ва қироллликларнинг номларини кўтариб юрмайдилар. Ҳолбуки, Европада маликалар ва шаҳзодалар мулклар ва князликлар номлари билан аталадилар. Аслзода аъёнлар саройдан нақд маош оладилар ёки уларга маълум бир ерлардан тушадиган даромадлар ажратилади. Маошлар ва даромадларни кўпайтириш, камайтириш ва ёки умуман маҳрум қилиш тамомила подшоҳнинг ихтиёридадир. Шунинг учун амирлар ҳам мана бундай номларга эга: бирининг оти Роз Андозхон, иккинчисиники Сафо Чеканхон, учинчисиники Барқ Андозхон ёки Диёнатхон, Донишмандхон, Фазлхон ва ҳоказо.

Доро Шукуҳ яхши фазилатлар соҳиби ҳам эди: зийрак, заки, ғоятда илтифотли ва бениҳоя саховатли эди. Ўзига ғояти мағрур эди, ҳар ишга қодирман, ҳеч кимнинг маслаҳатига муҳтож эмасман, ҳар иш қўлимдан келади деб ҳисобларди. У ўзига кенгаш берганларнинг номларини беписандлик билан айтиб юбораверар, шунинг учун ҳатто унга энг садоқатли кишилар ҳам унинг олдида укаларининг фитналарини ошкор қилишга юраклари бетламасди. Бунинг устига у жуда қизиққон, ҳатто энг олиймақом амирлар, маликаларга ҳам дўқ-пўписалар қилаверар, сўкар ва ҳақоратлар эди, лекин сал ўтмай ғазаби қуруқ хашакнинг алангасидай дарров сўнарди. У гарчи мусулмон бўлиб, одамлар кўзида мусулмончилик одатларига риоя қилса-да, шунга қарамасдан, шахсий ҳаётида мажусийлар билан мажусий, насоролар билан насоро эди. Унинг атрофида доим пандитлар ўралашиб юришарди. Пандитлар — мажусийларнинг уламоларидир. Доро уларга катта-катта нафақалар тайинлар, улар эса Дорога мамлакат расмий динига зид фикрларни сингдирар эдилар. Ҳиндлар, мажусийларнинг динлари ҳақида мен бошқа бир ерда тўхталаман. Яқин вақтлардан бери Доро Шукуҳ муҳтарам иезуит ота Бюзе билан кўнгилдан ўтириб суҳбатлашар, афтидан отанинг гап-сўзлари унга мойдай ёқарди. Бироқ баъзи-бировлар аслида унинг ҳеч қандай дини йўқ, унинг бу каби муносабатлари оддий қизиқиш ёки эрмакдан бошқа нарса эмас дер эдилар. Бошқа-бировлар бу ишларни у насороларни ўз томонига оғдириш учун қилади, уларнинг кўпларини артиллерия хизматига тортади, салтанатга тобе рожалар ҳамда мажусий ҳукмдорларнинг ишонч-эътибор, меҳр-муҳаббатини қозонмоқчи бўлади, дўппи тор келганда уларнинг кўмагига суянади, дер эдилар. Шундай бўлишига қарамай, унинг ишлари юришиб кетмади. Аксинча, кейинчалик буларнинг бари Аврангзебга Доро Шукуҳни кофир, диндан чиққан, мажусий, шаккок деб айблаш ва унинг бошини кесишга бир баҳона бўлди, холос.

Султон Шужонинг феъл-атвори Доро Шукуҳга ўхшаш эди. Лекин у бироз ичдан пишган ва пухта, қатъиятли, тадбиркор, ўзини яхши тута биларди. У ўйинларнинг уддасидан чиқар, эътиборли амирлар, шавкатли, мисол учун, Жасвантсинг каби рожаларни совға-саломлар билан ўз ёнига тортарди. Шу билан бирга, у айш-ишратга муккасидан кетган, хотинлари ва чўриларининг сон-саноғи йўқ, кеча-кундуз ҳарамдан чиқмай май ичар, ўйин-кулгига бериларди. Ҳарамдагиларга зеб-зийнатлар, кўз қамаштирадиган либослар тортиқ қилар, нафақаларини кўнглига келганча оширар ёки пасайтирарди. Уни у ердан олиб чиқмоқчи бўлганлар кўзига хунук кўринарди. Шу боисдан унинг кўп ишлари баъзан ҳал бўлмай ётар, натижада кўпларнинг у билан ишлагилари келмасди.

У форслар мазҳабига ўтган эди. Ҳолбуки, Шоҳ Жаҳон ҳам, бошқа барча укалари ҳам сунний эдилар. Мусулмончиликда бир неча мазҳаблар бор. «Гулистон» деган машҳур китобнинг муаллифи машҳур Шайх Саъдий бир байтида шундай деган экан: «Мен майхўрману дарвишман, худди менинг диним йўққа ўхшайди, мени етмиш икки мазҳабнинг бари билади». Лекин бу мазҳаблар ичида иккитаси асосийсидир. Улар бир-бирларига қаттол душмандирлар. Биринчи мазҳабдагилар халифа Усмон тарафдоридирлар. Туркийлар кўпроқ шу мазҳабдадирлар. Иккинчи мазҳаб — форсийлар мазҳаби. Туркийлар уларни «шиа», «рофизий» «али мардоний» деб ҳам атайдилар. Булар фақат Алини ҳақиқий халифа ва имом деб биладилар. Султон Шужо бу мазҳабга давлатчилик манфаатларини кўзлаб ўтган, чунки форслар ва уларнинг қариндош-уруғлари Улуғ Мўғул саройида жуда катта мавқени эгаллаб, йирик-йирик мансабларда ўтирадилар. Султон Шужо шу йўл билан уларни ўз тарафига оғдирмоқни кўзлайди.

АВРАНГЗЕБ ДОРО ШУКУҲ каби нозик ақлга ҳам, ҳайратомуз лутфу карамга ҳам эга эмасди. Лекин унинг ақл-ҳуши жойида эди, одамларни яхши билар, хизматга яхши ярокли одамларни танлар, кимни қачон, қандай тақдирлашни ҳам хўб биларди. У сирини ошкор қилмас, муғомбир, ҳаддан ташқари мунофиқ эди: узоқ вақт ўзини фақиру фано, дарвишу бечора, динга берилиб дунёдан юз ўгирган кимса қилиб кўрсатиб юрди. У, бир қарашда, тож-тахтга қизиқмайдиган, умрини тинчгина тоат-ибодатда, хайрли ишлар қилиб ўтказишга бел боғлаган кишига ўхшарди. Шулар билан бирга, у саройда тўхтовсиз турли ўйинлар қилар, унинг ўйинлари, айниқса, Деккан волийси этиб тайинлангач, кучайган эди. Лекин бу ўйинларни усталик билан адо этар, уларни ҳеч ким сезмасди. У отаси Шоҳ Жаҳон билан дўстона муносабатлар ўрнатган эди. Шоҳ Жаҳон гарчи доро Шукуҳни ўзига жуда яқин олса ҳам Аврангзебга ўзига яраша ҳурмат-эътибор кўрсатар, уни подшоҳ бўлишга қобил деб ҳисоблар эди. Бу Доронинг қаттиқ ғашига тегар, у баъзан тилини тия олмасдан яқинларига ёрилиб қоларди: «Туғишганларим ичида фақат мана шу намозийдан қўрқаман».

Ака-укалар ўртасида энг кичкинаси бўлмиш Муродбахш лавандроқ ва ақли пишмаганроқ эди. У кўпроқ ўйин-кулги, май, ов, камондан ўқ отишга берилган эди. Лекин унинг ҳам ўзига яраша фазилатлари йўқ эмасди. У жуда ҳам илтифотли ва жуда ҳам қўли очиқ эди. У ҳеч нарсани яширмас, очиқ, самимий, сарой ўйинларидан нафратланар ва очиқдан-очиқ менинг бутун куч-қувватим қўлимда ва қиличимда, деб мақтанарди. Ҳақиқатан ҳам, у бениҳоя ботир эди, агарда шу ботирлигига андак оғир-вазмин ҳам бўлганда, кейинги ҳикоямиздан ҳам маълум бўлғусики, у ҳамма акаларидан ғолиб чиқиб, Ҳиндистон подшоси бўлиши мумкин эди.

Қизларга келадиган бўлсак, Бегим Соҳиб бағоят гўзал ва оқила эди, отаси уни ҳаддан ташқари яхши кўрарди. Шундай миш-мишлар ҳам юрардики, унинг муҳаббати гўё чек-чегара билмасди. У ўзини оқламоқчи бўлиб, шариатни яхши биладиган муллаларнинг фикрига қараганда, одам ўзи эккан дарахтнинг меваларини ейиши жоиз, деб айтарди. Шоҳ Жаҳон қизига шунчалар ишонар эдики, ҳатто ўзини қўриқлаш ва об-овқатларидан огоҳ бўлишликни унга топширган эди. Бегим Соҳиб отасига қандай таъсир қилишни хўб ўрганган ва энг муҳим ишларда уни ўзи истаган томонга оғдира оларди. Унинг даромади жуда катта эди, турли катта-кичик ишларни битириб бергани учун ҳар томондан совға-саломлар дарёдай оқиб келар, шунчалар бой ва шунчалар сахий ҳамда серхарж эди. Бегим Соҳиб Дорони қаттиқ яхши кўрар, унинг томонида турар, очиқдан-очиқ унинг тарафини оларди. Доронинг кўп муваффақиятлари, отаси билан алоқаларининг мустаҳкамлиги шунга боғлиқ эди. Бегим Соҳиб қачон бўлмасин, уни қуллар ва хавф-хатарлардан огоҳлантириб турарди. Буларнинг бари икковлари хонадонда катта фарзанд бўлганликлари учунгина эмас эди, халқ ичида шундай овозалар ҳам юрардики, Доро мен подшоҳ бўлишим биланоқ сени эрга чиқараман деб, Бегимга сўз берган эди. Ҳиндистонда маликаларни ҳеч турмушга узатмайдилар, шу сабабданки, доим маликанинг эри дарҳол салтанатда қудратли кишига айланади ва тож-тахтни эгаллашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, шоҳлар ўз томирларини шунчалар ардоқлайдиларки, ўз қизларига муносиб эр йўқ деб ҳисоблайдилар.

Мен ушбу маликанинг баъзи ишқий саргузаштлари устида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳолбуки, уни ҳам ҳарамда бошқалардан оз қўриқламайдилар. Эҳтимол, менинг бу ҳикояларим романлар ёзадиган баъзи муаллифларга материал бўлиб хизмат қилса ҳам ажаб эмас. На чора. Булар биздагиларга ўхшаш олифта ва кулгили саргузашт ҳангомалар эмас. Улар ортидан қўрқинч ва даҳшатга тўла воқеалар келади.

Айтишларига қараганда, малика ҳарамга мартабаси унча баланд бўлмаган, лекин кўркам ва келишган бир йигитни олиб киришга муваффақ бўлади. Лекин шунча рашкчи ва кекчи хотинлар орасида буни сир сақлолмайди. Тез орада бу гап Шоҳ Жаҳоннинг қулоғига етиб боради. Подшоҳ сени кўргим келди деб, даъфатан, қизи ҳузурига киради. Малика тўсатдан отаси келаётганидан шошиб қолиб, шўрлик ошиқни апил-тапил чўмиладиган дошқозонга беркитади. Лекин буни шоҳга билдирмай қилишнинг ҳеч иложи бўлмайди. Бироқ шоҳ Бегимни уришиб-нетиб ўтирмай, одатдагидай бафуржа гаплашиб ўтиради, кейин жуда кирлаб кетибсан, ювиниб ол, тез-тез дошга тушиб чўмилиб тур, дейди. Шундан сўнг дарҳол дошқозон тагига ўт ёқишга буюради. Бичилган қуллари иш битди, деб хабар бермагунларича шу ердан қўзғалмай ўтиради.

Шундан бироз вақтлар ўтгач, Бегим яна бир иш қилади. У Назирхон деган бир форсни ўзига иш бошқарувчи, яъни кони замон қилиб тайинлайди. Назирхон сарой аъёнлари ичида энг навқирон, келишган, ўктам амирлардан эди. Уни ҳамма севарди. Аврангзебнинг амакиси Шоҳ Хастхон ҳатто Бегимни унга чиқаришни таклиф этган эди. Лекин Шоҳ Жаҳонга бу ҳаддан ташқари ёқмади. Унга шу билан боғлиқ айрим хуфя ишларни маълум қилишгандан сўнг, у қандай бўлмасин, Назирхондан қутулиш пайига тушиб қолди ва буни дарҳол амалга оширди. У жуда катта илтифот кўрсатган бўлиб Назирхонга чайнаш учун сақич узатди. Мамлакатдаги одатга кўра подшоҳ сақич узатгач, уни шу ернинг ўзида дарҳол чайнаш лозим бўларди. Сақич деганимиз жуда нозик япроқлар ва денгиз чиғаноғининг оҳагидан андаккина қўшилиб тайёрланади. Бу сақичдан лаблар ғунчадек қизариб, оғиз ёқимли ва нафас муаттар бўлади. Ёш амир оғу бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. У анжумандан шод-хуррам ҳолда чиқади, ўз маҳофасига ўтиради, лекин оғу шу қадар кучли эканки, уйга етиб келганда у жонсиз танага айланади.

ШОҲ ЖАҲОН. 1650 йил.

Равшаноро Бегим опаси Бегим Соҳиб сингари соҳибжамол ва оқила деб ҳисобланмаса-да, лекин у ҳам бағоят шўх ва қувноқ, ўйин-кулгуга шунчалар ўч эди. У Аврангзебга бениҳоя садоқатли бўлиб, шу важдан Бегим Соҳиб ва Дорони ёқтирмас эди. Шу сабабдан унинг даромади ва давлати унчалар ҳам катта эмас, сарой ишларига ҳам ҳадеганда бош қўшавермас, шу билан бирга, ҳарам ҳаётидан яхши хабардор, бу ерда ўз айғоқчиларига ҳам эга эди. Баъзи муҳим гапларни Аврангзебнинг қулоғига етказиб турарди.

Низолар бошланмасдан бир неча йил бурун Шоҳ Жаҳон тўрт ўғлининг вояга етиб, уйланиб, бола-чақали бўлиб, тож даъвосида ўзаро бир-бирларига дағдағалар ва фитнаангез ишлар қилишиб юрганларини кўриб нима қарорга келишини билмай ғоят боши қотган, бир чеккаси ўз жонига қасд уюштиришлари мумкинлигидан ҳам хавфсирар, кейинчалик бошига тушган кўргиликларни ўша пайтдаёқ сезган эди. Уларни Гвалиорга (тик қоялар устида қурилган қалъа, ундан қочиб бўлмайди деб, шаҳзодаларни кўпинча шу ерда қамоқда сақлар эдилар, қалъа яхши ичимлик сув ва озиқ-овқат билан тўла таъминланган, қаттиқ қўриқланарди) беркитиб қўйиш ҳам осон эмасди. Шаҳзодалар куч-қувватга тўлиб улгурган эдилар. Ҳар бирининг ўз саройи бор бўлиб, улар эгаллаган олий мавқе ва насл-насабга кўра ҳам, йирик вилоятларга ҳоким қилиб тайинламай туриб, ўзидан узоқлаштириб юбориш подшоҳлик удумларига тўғри келмасди. Лекин вилоятлар қўл остиларига киргач, бу ерда мустаҳкамланиб олиб сўнг ўзларини мустақил подшолар каби тутмасликларига ҳам кафолат йўқ эди. Кейинчалик шундай бўлиб чиқди ҳам. Лекин тўрттовлон саройда бир жойда туриб кўз ўнгимда бир-бировларининг бўйниларини узиб ташламасинлар деб, подшоҳ уларни кўздан йироқ қилишга қарор берди. Султон Шужони Гангола мулкига, Аврангзебни — Декканга, Муродбахшни Гужоратга жўнатди. Дорога Кобул ва Мўлтонни берди. Уч ака ўз вилоятларига ғоят хурсанд бўлиб жўнаб кетишди, ўз ўлкаларида ўзларини худди подшолардай тутишар, катта қўшин сақлашар, ўлка бож-хирожини ҳам ўз ихтиёрларида сақлашарди, раият ва атроф қўшниларидан ўлкани эмин сақлаш учун шундай қиляпмиз деб баҳона кўрсатишарди.

ДОРОГА КЕЛГАНДА ЭСА, у тўнғич фарзанд ва тахт даъвогари сифатида саройдан узоқлашиб кетмади. Шоҳ Жаҳоннинг нияти ҳам ўзи шундай эди, мен кўз юмсам, сен тахтга ўтирасан деб, Дорони умидлантириб турарди. Шоҳ Жаҳон ҳатто унга амру фармонлар қабул қилишга ҳам ижозат берган, унга ўзидан бироз қуйироқда амирлар ўртасида кичикроқ бир тахтда ўтиришни буюрган, шунданми, подшоҳ мажлисларида худди икки шоҳ ўтирганга ўхшарди. Лекин ҳеч замон икки шоҳнинг боши бир ерда ковушмаганлиги боисидан Шоҳ Жаҳон Дородан доим шубҳаланиб юрар, ҳолбуки, Доро унга ҳар қачон меҳр-муҳаббат ва эъзоз-икром билан муносабатда бўларди. Подшоҳ айниқса заҳарланишдан хавфсирарди. Шу билан бирга, Шоҳ Жаҳон давлатни бошқариш учун Аврангзебни энг қобил деб ҳисоблар, айтишларича, шунинг сабабидан у билан ҳар доим маслаҳатлашиб турарди. Мен тўрт шаҳзода ва икки малика ҳамда уларнинг отаси подшоҳ Шоҳ Жаҳон тўғрисида мана шу билганларимни қоғозга туширгим келди. Кейин рўй берган ажойиб-ғаройиб воқеаларни тушуниш учун бу гаплар жуда керак бўлади.

ИЗОҲ ЎРНИДА

Фрасуа Бернениng китоби «Улуғ Мўғулнинг давлатида рўй берган сўнгги сиёсий тўнтаришлар тарихи» деган ном билан нашр этилган. Китоб бошдан-оёқ тўрт тож даъвогари ўртасидаги низолар ва шаҳзодаларнинг умумий аҳволига бағишланган. Шу билан бирга, табиийки, китоб марказида Аврангзеб сиймоси туради. Шу маънода китобни «Аврангзебнинг салтанатга ўтириш тарихи» деб атасла, янада тўғрироқ бўларди. Албатта, бу гапларнинг бари европалик олимнинг талқини. Воқеалар ва ҳолатлар Берне айтган ва ёзгандан кўра мутлақо бошқача бўлиши ҳам мумкин. Бунинг учун Аврангзеб ҳақида ўз замонасида яратилган ва унга бағишланган тарихий асарлар ва хотираларни, Аврангзебнинг ажойиб мактуботини ўқиш, ўрганиш, уларни илмий чоғиштириш ва шу асосдагина бу улуғ подшоҳ ва ажойиб инсон ҳақида холис хулосалар чиқариш тўғри бўлади. Лекин Бернени ҳам қойил қолиш керак. У воқеалар ва уларнинг иштирокчиларини ўткир кўз билан кузатади ва доим аниқ-равшан хулосалар чиқаришга интилади. Шу билан бирга, у бошқа Европа сайёҳлари каби, хусусан, Клавихо сингари кўп воқеаларни фақат ташқаридан билади ва фақат устки томони устида тўхталади. Ички томонлар эса уларга қоронғу бўлганидек, бизга ҳам қоронғу бўлиб қолаверади. Яна Берне Шарққа хос тарихий шахслар, ўлкалар, шаҳарлар, мавзелар номларини «европача тинглаб» «европача» талаффуз қилади. Масалан, рожа Жасвантсинг номини Жессомсенг деб, рожа Жонсинг номини «Жассенг» деб, амир Шойистахон номини «Шоҳ Гест-хон» деб ёзади. Бундай ҳоллар унинг сафарномасида анча-мунча учрайди. Албатта, уларни ўз ўрнида изоҳлаб ва тўғрилаб ўтишга тўғри келади. Берне китоби алоҳида бобларга ажратилмаган. Биз унинг бошланиш қисмини эътиборингизга ҳавола қилдик.

ОБУНА—94

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

1994 йил учун барча рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Улар орасида сизнинг яқин суҳбатдошингиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳам бор. Ҳафталигимиз 1994 йилда ҳам сизни адабиёт ва санъат, ижтимоий ҳаёт муаммолари, республикамиз мустақиллиги, тарихига оид энг яхши мақолалар билан таништириб боради.

Агар уйимда доимо шодлик ҳукмрон бўлсин десангиз, адибларимиз томонидан яратилаётган энг яхши шеър ва ҳикояларни мунтазам ўқиб боришни истасангиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлинг.

Шошилинг, обуна тугашига жуда оз вақт қолди!

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА. ҲАФТАЛИКНИНГ БИР ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ 6924 СЎМ, ОЛТИ ОЙЛИК БАҲОСИ 3462 СЎМ, УЧ ОЙЛИК БАҲОСИ 1731 СЎМ.

Газетанинг навбатдаги сони 10 декабрда чиқади.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

НОШИР: Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56
Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛАЕВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Одил ЁҚУБОВ, Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Насиба ИБРОҲИМОВА, Камол МАТЁҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Рустам АБДУЛЛАЕВ, Аҳмадали АСҚАРОВ, Тошпўлат АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Жамол КАМОЛ, Мирзо КЕНЖАБЕК, Абдулла ОРИПОВ, Йўлдош СУЛАЙМОН, Тошпўлат ТУРСУНОВ, Иброҳим ЮСУПОВ.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000215. Буюртма Г-332. 96211 нусхада босилди, ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Индекс 64593.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.